



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR МАНКАМАСИНинг QARORI

20 22 yil « 13 » oktabr

№ 592

Toshkent sh.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш бўйича давлат хизмати сифатини ошириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари манзиллилигини ва самарадорлигини ошириб бориш, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-726-сон, “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2022 йил 9 февралдаги ЎРҚ-752-сон, “Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ-770-сон ҳамда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2022 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-791-сон Ўзбекистон Республикасининг қонулари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-726-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия ҳисоблашда **2005** йил **1 январдан аввалги даврлар учун иш стажи шахснинг фақат меҳнат дафтарчасидаги (электрон меҳнат дафтарчасидаги) мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан белгиланиши**, пенсия шахснинг танловига кўра унинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан тўланиши, текшириш (ўрганиш) ўтказиш бошланган санадан аввалги уч йил ва ундан ортиқ даврда тайинланган ва (ёки) қўшимча тақдим этилган ҳужжатларга биноан қайта ҳисобланган пенсияларнинг текширилишига (ўрганилишига) ҳамда улар бўйича тўланган ортиқча суммаларнинг ушлаб қолинишига (ундирилишига) йўл қўйилмаслиги;

“Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг хукуклари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2022 йил 9 февралдаги ЎРҚ-752-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ вафот этган боқувчининг меҳнатга лаёқатсиз фарзандлари учун 18 ёшга қадар, агар ушбу фарзандлар таълим ташкилотларининг ўқувчиси ёки талабаси бўлиб ҳисобланса, ўқишининг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунига қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўланиши, шахснинг болани парваришлаш билан банд бўлган б ийллик таътил вақти пенсия ҳисоблашда иш стажи сифатида инобатга олиниши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсон учун хавфли бўлган юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши муносабати карантин жорий этилган вақтда шахсга пенсия тайинлаш муддати шахснинг карантин даврида пенсия олиш хуқуқи пайдо бўлган вақтдан бошлаб тайинланиши;

“Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ-770-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ шахсни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан аниқланиши;

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2022 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-791-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияларни ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн икки бараваридан келиб чиқиб ҳисобланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан**:

давлат пенсияларини тайинлаш учун мурожаат қилиш, пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган хужжатларни тақдим қилиш тартиби;

давлат пенсияларини тайинлашда меҳнат стажи, шу жумладан, айрим тоифа фуқаролар учун имтиёзли асослардаги меҳнат стажини ҳисоблаш тартиби;

давлат пенсияларини тайинлашда устама ҳақларни ҳисоблаб чиқиб тартиби;

тайинланган давлат пенсиялари турини ўзгартириш, қайта ҳисоблаш ва тиклаш тартиби;

тайинланган давлат пенсияларини тўлаш ва чегирмаларни амалга ошириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукуқий хужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “13” октябрдаги 592 сон қарорига
1-илова

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (кейинги ўринларда – Қонун) мувофиқ давлат пенсияларини тайинлаш, пенсия имтиёзларини қўллаш, қайта ҳисоблаш, тиклаш, тўлаш, пенсиядан чегирма қилиш, фуқароларни пенсия ва бошқа тўловлар билан таъминлашга доир масалаларни ҳал қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадларида қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

банд шахс – ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган ва иш вақтини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган жисмоний шахс, тадбиркор, меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар, 2021 йил 1 июндан кейинги давр учун турмуш ўртоғининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ўз даромадидан ихтиёрий асосда ижтимоий солиқ тўланган жисмоний шахс, қонунчилик ҳужжатларига асосан ўзини ўзи банд қилган шахс, шу жумладан, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, бевосита қорамол ўстирадиган ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотадиган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида банд бўлган шахс, шунингдек, оиласи тадбиркорлик ва хунармандчилик субъекти;

иш стажи – меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси) ва иш жойидан, хизматдан, ўқишдан ёки архивдан берилган бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланган, ишдаги танаффуслардан қатъи назар, қонунчиликка мувофиқ пенсия таъминоти ҳукуқини берадиган меҳнат фаолияти ва бошқа фаолиятнинг умумий давомийлиги;

иш ҳақи – шахснинг пенсияни ҳисоблаш (қайта ҳисоблаш) учун қабул қилинадиган иш ҳақи;

маҳсус иш стажи – халқ хўжалигининг муайян тармоқларида, касблар ва лавозимларда қонунчиликка мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти ҳукуқини берадиган меҳнат фаолиятининг давомийлиги;

нафақа – Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳукуқига эга бўлмаган шахсларга нафақа ёшига тўлиши, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови;

пенсия – уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки бокувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови;

пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди турадиган жой – пенсионер яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси) туман (шаҳар) бўлими (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси бўлими);

пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди (пенсия иши) – улар асосида пенсия сўраб мурожаат қилган шахсга пенсия тайинланган ҳужжатларнинг тикилган туркуми ва/ёки Пенсия жамғармасининг “Пенсия” ахборот тизимида (кейинги ўринларда – ахборот тизими) сақланадиган пенсия сўраб мурожаат қилган шахснинг электрон кўринишдаги пенсияга оид ҳужжатлари ва/ёки маълумотлари;

пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш – пенсия тайинлаш, пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиши, пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш, шунингдек, илгари тўхтатиб қўйилган (тўхтатилган) пенсия тўлашни белгиланган тартибда тиклаш (қайта тиклаш) тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига ариза бериш;

шахс – Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва белгиланган тартибда истиқомат учун берилган гувоҳнома олган хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс;

яшаш жойи – турар жой, квартира, хизмат турар жойи, ихтисослаштирилган уйлар (ётоқхона, пансионат, ёлғиз кексалар учун маҳсус уй, ногиронлиги бўлган шасхлар, фахрийлар учун интернат уй ва бошқалар), шунингдек, пенсия учун мурожаат қилган жисмоний шахс ижарага олиш шартномаси (иккиласмчи ижара), ижара шартномаси ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа асослар бўйича мулкдор сифатида доимий яшайдиган (доимий рўйхатдан ўтган) бошқа турар жой, доимий яшаш жойи мавжуд бўлмаган (доимий рўйхатдан ўтмаган) тақдирда – вақтинча яшаш (вақтинча рўйхатдан ўтиш) жойи;

қонуний вакил – қонунчиликда белгиланган тартибда шундай деб эътироф этилган ота-оналар, фарзандликка олувчи, етим бола ва/ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани оиласга тарбияга (патронат) олувчи, васий ёки ҳомийлик қилувчи;

қайднома – пенсионер ва/ёки нафақа олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш жойи, паспорт (идентификация ID-карта) маълумотлари, пенсия ва/ёки нафақа тўлов муддати, миқдорига доир маълумотлар акс эттирилган, пенсия ва/ёки нафақа тўлови учун пенсияни етказиб бериш (топшириш) юклангандаги ташкилот ва тижорат банки филиалига тақдим этиладиган электрон шаклдаги ҳужжат.

3. Бир вақтнинг ўзида Қонун бўйича ва Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган алоҳида тоифадаги фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги конунчиликка мувофиқ пенсия олиш ҳукуқига эга бўлган шахсга пенсиянинг бир тури унинг танлаши бўйича тайинланади.

4. Фуқароларнинг пенсия тайинлаш ва тўлаш, шунингдек, пенсия таъминоти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш қонунчилик хужжатлари ва/ёки ушбу Низомда назарда тутилган шартлар ва меъёрлар асосида Пенсия жамғармаси бўлимни томонидан амалга оширилади.

2-боб. Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган хужжатларни тақдим этиш тартиби

5. Ташкилот маъмурияти ҳар йили декабрь ойида шахсий варақчалар ва меҳнат дафтарчалари асосида кейинги йилда ҳам умумий, ҳам имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳукуқига эга бўладиган ходимлар рўйхатини тузади.

Рўйхатда ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган йили, ойи, куни, шунингдек, ходим яшайдиган жой; таркибий бўлинманинг номи; лавозими (касби); пенсия тайинлаш учун мурожаат қилиш учун асослар; хужжатлар билан тасдиқланган умумий иш стажи; имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш ҳукуқини берувчи маҳсус иш стажи кўрсатилган бўлиши керак.

Кўрсатиб ўтилган рўйхатга киритилган ходимларга нисбатан ташкилот маъмурияти пенсия тайинлаш учун хужжатларни олдиндан тайёрлашга киришади. Зарур бўлганда ташкилот маъмурияти етишмаётган хужжатларни сўраб олиш чораларини кўриши керак.

Ташкилот маъмурияти тўпланган барча хужжатлар асосида пенсия тайинлаш учун тақдимномани расмийлаштиради ва Ягона миллий меҳнат тизими идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда – “ЯММТ” ИДАК) орқали пенсионер яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига юборади.

6. Ташкилот маъмурияти ходим пенсия ёшига етган кундан кечиктирмай унинг пенсия олиш ҳукуқига эга бўлганлигини билдиришга мажбур.

Ташкилот маъмурияти конунчиликка мувофиқ ходимнинг пенсия тайинлаш учун зарур бўлган маълумотларни (меҳнат стажи, иш ҳақи ва бошқалар) “ЯММТ” ИДАКга киритиши ва зарур хужжатларни расмийлаштириши лозим.

Ходим пенсия тайинлаш тўғрисида ариза берган тақдирда, ташкилот маъмурияти мазкур ариза рўйхатга олинган санадан бошлаб 10 кун мобайнида зарур хужжатларни ва тақдимномани тўлиқ расмийлаштиради ва ариза берувчини улар билан (тақдимномага имзо қўйдирган ҳолда) таниширади.

Хужжатлар ва тақдимнома ходимнинг аризаси билан бирга ариза берувчининг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади.

Ташкилот маъмурияти пенсия тайинлаш учун зарур бўлган барча хужжатларни тўплай олмаган ҳолларда Пенсия жамғармаси бўлимига бор хужжатлар топширилади, етишмаган хужжатлар эса ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган муддатларда қўшимча равишда тақдим этилади.

Агар ходимга пенсия тайинлаш рад этилган бўлса, бу ҳақда унга рад этиш сабаблари кўрсатилиб, ёзма равишда хабар берилади. Пенсия сўраб мурожаат қилган киши маъмурият қароридан норози бўлса, у пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризани яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига бевосита беради.

7. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза қонунчиликка мувофиқ пенсия олиш хуқуқига эга бўлган шахс томонидан унинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Ходимга ва унинг оила аъзоларига пенсия (боқувчисини йўқотганлик пенсияси) тайинланган тақдирда, пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза ходимнинг ёки вафот этган боқувчининг (унинг оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган тақдирда) охирги иш жойи бўйича ташкилотнинг маъмурияти орқали ариза берувчининг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Пенсия тайинланадиган шахс балоғатга етмаган ёки хуқуқий муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда, ариза унинг қонуний вакил томонидан уларнинг яшаш жойи орқали берилади.

8. Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш, тиклаш, пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш) тўғрисидаги ариза бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Шахснинг пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш, тиклаш, пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш) тўғрисидаги аризаси манзил-колония маъмурияти томонидан манзил-колония жойлашган жойдаги Пенсия жамғармаси бўлимига берилади. Пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш) тўғрисидаги ариза билан биргаликда иш стажига оид маълумотлар қўшимча равишда тақдим этилади.

Пенсия жамғармаси бўлими:

шахснинг иш стажига оид маълумотлар асосида пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш) учун зарур бўлган ушбу Низомнинг 12 – 14-бандларида кўрсатилган хужжатларни тўплашда амалий ёрдам кўрсатади;

пенсия тўловини тиклаш ёки давом эттириш тўғрисидаги аризага асосан пенсияга оид хужжатлар йиғмажилдини Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимидан талаб қилиб олади.

9. Фуқаро пенсия тайинлашни сўраб пенсия олиш хуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб исталган вақтда, бирор муддат билан чекланмаган ҳолда мурожаат этиш хуқуқига эга.

10. Пенсия жамғармаси бўлими шахс тегишли ариза билан мурожаат қилган тақдирда, пенсия тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Шахс пенсия тайинлаш тўғрисида Пенсия жамғармасининг бўлимига бевосита ташриф буюрган ҳолда ва/ёки электрон почта орқали мурожаат қилиш хукуқига эга.

Шахснинг аризаси Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилади.

Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ариза берувчига ёки ташкилотнинг вакилига ариза қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда тилхат, шунингдек, олинган ва етишмаётган ҳужжатлар рўйхати берилади.

Барча зарур ҳужжатлар билан бирга ариза қабул қилинган кун пенсия сўраб мурожаат этилган кун ҳисобланади.

Агар ариза почта орқали юборилса ва бунда барча зарур ҳужжатлар ҳам илова қилинган бўлса, ушбу аризани жўнатишнинг почта штемпелида кўрсатилган санаси пенсия сўраб мурожаат этилган кун ҳисобланади.

Аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда Пенсия жамғармаси бўлими қўшимча яна қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлигини ташкилот маъмуриятига ёки ариза берувчига 5 кунлик муддатда ёзма равищда ёки ариза берувчининг мобил телефон рақамига “СМС” хабарномани юборган ҳолда маълум қиласи. Агар улар қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлиги тўғрисида хабарнома олинган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай тақдим этилса, пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кун пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинган кун ҳисобланади.

Пенсия жамғармаси бўлими шахсга ва/ёки ташкилот маъмуриятига пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш) масалалари бўйича тушунтиришлар ҳамда маълумотлар бериши шарт.

Шунингдек, Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига оид маълумот ва ахборотларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб боради.

11. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг асосланганлиги ва ишончлилиги юзасидан шубҳа пайдо бўлган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш тўғрисида қарор чиқариш хукуқига эга. Текшириш тасдиқловчи ҳужжатларни берган ташкилотда ёки архивда амалга оширилади. Текшириш натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузилади, у текширувчининг ва ташкилот ёки архив мансабдор шахсининг имзоси, шунингдек, ташкилот ёки архивнинг муҳри билан тасдиқланади.

Далолатноманинг бир нусхаси ташкилот ёки архивда, иккинчи нусхаси Пенсия жамғармаси бўлимида қолади. Далолатномада тасдиқловчи ҳужжатларнинг ким томонидан берилганлиги ва текшириш вақтида ҳужжатларнинг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумот мажбурий тартибда кўрсатилади.

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлаш учун тақдим этилган хужжатларни текшириш тўғрисида қарор чиқарган ҳолларда, текшириш тамом бўлиш муддатидан қатъи назар, пенсия тайинлаш учун дастлаб мурожаат қилинган сана пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинган сана ҳисобланади.

Пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш) учун зарур бўлган маълумотлар:
жамғарib бориладиган пенсия тизимидан,

Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестридан;

фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестридан, “ЯММТ” ИДАК ва бошқа вазирлик идораларнинг ахборот тизимларидан олинганида Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлаш учун мавжуд маълумотларни текшириш тўғрисида қарор қабул қилишига йўл қўйилмайди.

12. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг аризасига қуидагилар илова қилиниши керак:

иш стажини, шу жумладан, махсус иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат;
иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуидагилар тақдим этилади:

а) тегишли орган томонидан берилган ҳарбий хизматни, партизан отрядлари ва қўшилмаларда бўлганликни, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилганликни тасдиқлайдиган маълумотнома;

б) олий таълим ташкилотларида (шу жумладан, ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштириладиган ҳарбий таълим ташкилотларида, шунингдек, партия мактабларида), аспирантурада (стажёрлар-тадқиқотчилар-изланувчилар институтида), докторантурада (катта илмий ходимлар – изланувчилар институтида) ва клиник ординатурада, таянч докторантурада ва докторантурада (олий таълимдан кейинги таълим институтида) кундузги ўқишни, шу жумладан, чет элда ўқишни тасдиқлайдиган диплом ёки маълумотнома;

в) болани парвариш қилиш бўйича таътил берилганлиги ва таътилдан қайтилганлиги тўғрисидаги буйруқларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда аёл киши бола туғилгандан бошлаб у уч ёшга тўлгунгача бўлган даврда меҳнат муносабатларида бўлган ташкилот (ташкилотлар) томонидан берилган бола уч ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш вақтини тасдиқлайдиган маълумотнома;

г) офицерлар таркибидан бўлган шахслар, прапоршчиклар, мичманлар ва муддатдан ташқари хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақтни тасдиқлайдиган маълумотнома;

д) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро хукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг хотини (эри) чет элда бўлган вақтини тасдиқлайдиган маълумотнома;

е) ариза берувчи уруш қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган шахс ҳисобланишини тасдиқлайдиган ҳужжат;

ж) даволаш-профилактика муассасасининг ариза берувчи гипофизар нанизм bemори (лилипут) ёхуд диспропорционал пакана эканлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

з) фамилия, исм, ота исми ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

и) оқлов ҳукми ёки иш тўхтатилганлиги тўғрисида суднинг ажрими (қарори) ёки прокурор (терговчи)нинг иш тўхтатилганлиги тўғрисидаги қарори, шунингдек, олдини олиш чораси сифатида шахсни тергов изоляторияда (турмада) қамоқда сақлаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш шаклида жазони ўташ даври тўғрисида тергов органлари ёки ички ишлар органларининг маълумотномаси, шунингдек, реабилитация тўғрисидаги ҳужжатлар (суд органлари, прокуратура органлари, суриштирув ва тергов органларининг оқлов ҳукми чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси ёки реабилитация қилувчи асослар бўйича жиноят иши тўхтатилганлиги тўғрисидаги қарори (ажрими);

к) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги туман (шаҳар) Ахоли бандлигига кўмаклашиш марказининг шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги тақдимномаси;

л) ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасининг асли ёки дубликати.

Мазкур бандда назарда тутилган маълумотлар “ЯММТ” ИДАКда мавжуд бўлган ҳолларда маълумотномалар илова қилинмайди.

13. Ногиронлик пенсиясини тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризасига қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

иш стажини, шу жумладан, маҳсус иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат; иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

Бундан ташқари, зарур ҳолларда ушбу Низомнинг 12-банди “а”–“и” ва “л” кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилади.

Мазкур бандда назарда тутилган маълумотлар “ЯММТ” ИДАКда мавжуд бўлган ҳолларда маълумотномалар илова қилинмайди.

14. Бокувчинини йўқотганлик пенсиясини тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризасига қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

оила аъзосининг вафот этган бокувчи билан қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи хужжатлар (суд органлари ёки хорижий давлатлар мансабдор шахсларининг маълумотномаси);

бокувчининг бедарак йўқолганлиги тўғрисида суднинг қарори нусхаси;

вафот этган бокувчининг иш стажини, шу жумладан, маҳсус иш стажини тасдиқлайдиган хужжат;

вафот этган бокувчининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуидагилар тақдим этилади:

вафот этган бокувчининг 18 – 23 ёщдаги меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси Ўзбекистон Республикасининг ташқарисидаги таълим ташкилотининг ўқувчиси ёки талабаси ҳисобланиши тўғрисидаги маълумотнома;

бахтсиз ҳодиса ва соғлиқнинг ишлаб чиқаришда бошқа шикастланиши тўғрисидаги хужжат ёки агар бокувчининг вафоти меҳнатда майибланиш оқибатида содир бўлган бўлса – бошқа расмий хужжат;

ушбу Низомнинг 12-банди “а”–“и” ва “л” кичик бандларида кўрсатилган, вафот этган бокувчининг номига расмийлаштирилган (ёзилган) хужжатлар.

Бокувчи-пенсионер вафот этган тақдирда, ушбу бандда кўрсатилган зарур хужжатлар тақдим этилиши керак, вафот этганинг пенсияга оид хужжатлар йифмагилдида мавжуд бўлган хужжатлар бундан мустасно.

Шахсни вафот этганлиги тўғрисидаги, пенсия тайинланаётган шахсни вафот этган бокувчи билан қариндошлик муносабатлари тўғрисидаги (никоҳда эканлиги, никоҳ бекор қилинганилиги), пенсия тайинланаётган шахснинг ёши тўғрисидаги маълумотлар Пенсия жамғармаси бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимидан электрон сўров юбориш орқали олинади ва пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахсдан ушбу фактларни тасдиқловчи хужжатлар ёки маълумотномалар қабул қилинмайди.

Мазкур бандда назарда тутилган маълумотномалар (маълумотлар) “ЯММТ” ИДАҚда ҳамда вафот этган бокувчи пенсионернинг пенсияга оид хужжатлар йифмагилдида мавжуд бўлган ҳолларда пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг аризасига илова қилинмайди.

Вафот этган бокувчининг 18 – 23 ёщдаги оила аъзоси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим ташкилотининг ўқувчиси ёки талабаси эканлиги Пенсия жамғармаси бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ахборот тизимидан олинган электрон сўрови орқали аниқланади.

15. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахс томонидан пенсия тайинлаш учун зарур бўлган хужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими ушбу хужжатларни тегишли ташкилотлардан талаб қилиш юзасидан ёрдам кўрсатади.

Бунда Пенсия жамғармаси бўлими ушбу Низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ шахсга пенсия тайинлаш (ҳисоблаш) учун қуидаги:

а) пенсия тайинланайтган шахснинг (қонуний вакил) фуқаролик паспорти (идентификация ID-картаси) тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (кейинги ўринларда – ТИЭК) томонидан бериладиган:

шахснинг фарзанди 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалигини тасдиқлайдиган ёки парвариш остидаги I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисидаги;

шахснинг фарзанди 8 ёшгача ногиронлиги бўлган бола деб топилганлиги тўғрисидаги;

бокувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқини берадиган оиланинг катта ёшдаги аъзоси ногиронлиги бўлган шахслиги тўғрисидаги;

ариза берувчи I ёки II гурӯҳ уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахс эканлиги тўғрисидаги;

I, II ёки III гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисидаги маълумотномаларни;

б) банд шахс учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ органлари томонидан тақдим этиладиган:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларни мустақил равишда Давлат солиқ қўмитасининг марказлаштирилган электрон реестри базасидан электрон сўров юбориш орқали олади.

16. Пенсияга устама (қўшимча) ҳақ белгилаш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда, пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага қуидагилар илова қилиниши керак:

а) ариза берувчининг уруш қатнашчиси ёки унга tenglashshirilgan шахс эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

б) ариза берувчининг 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида ишлаганлигини ва ҳарбий мажбуриятларни бажарганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

в) тегишли орган томонидан берилган ҳарбий хизматчининг, ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимининг ўлими ҳарбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида хизматни бажариш билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайдиган маълумотнома;

- г) “Ўзбекистон Қахрамони” унвони берилганлиги тўғрисидаги хужжат нусхаси;
- д) фахрий унвон берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Мазкур бандда назарда тутилган хужжатлар ва маълумотлар “ЯММТ” ИДАКда мавжуд бўлган ҳолларда илова қилинмайди.

17. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилишда пенсия тайинланётган шахснинг паспорти (идентификация ID-карта, истиқомат учун берилган гувоҳнома) тақдим этилиши керак.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахснинг паспорти (идентификация ID-карта) нусхаси (истиқомат учун берилган гувоҳнома) нусхаси манзил-колония маъмурияти томонидан манзил-колония жойлашган ердаги Пенсия жамгармаси бўлимига берилади.

Қонуний вакилнинг аризасига туман (шаҳар) ҳокимининг васийлик ёки ҳомийликни тайинлаш тўғрисидаги қарори илова қилинади. Қонуний вакил паспортни (идентификация ID-картани) тақдим этади.

18. Ариза берувчининг уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи хужжат сифатида 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчисининг гувоҳномаси, байналмилалчи жангчиларга бериладиган имтиёз олиш хуқуқи ҳақидаги гувоҳнома, шунингдек, уларнинг уруш иштирокчисига тенглаштирилганлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар қабул қилинади.

Уруш қатнашчиларига тенглаштириладиган шахслар доираси ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

Мехнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси), ташкилотлар ва архив маълумотномалари, шунингдек, мудофаа ишлари бўйича органларнинг маълумотномалари ариза берувчининг 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида ишлаганлиги ва ҳарбий мажбуриятларни бажарганлигини тасдиқлайдиган хужжат сифатида қабул қилинади.

Ариза берувчининг уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахс эканлигини тасдиқловчи хужжат сифатида ҳарбий госпитал томонидан бериладиган касаллик тарихидан кўчирма қабул қилинади.

Уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахсларга тенглаштириладиган шахслар доираси ушбу Низомга 2-иловада келтирилган.

19. Фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганлигини тасдиқлайдиган хужжатлар сифатида куйидагилар тақдим этилади: фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, фуқаролик ҳолати далолатномасининг тегишли ёзувидан кўчирма, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари (mansabдор шахслари) маълумотномаси.

Қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари борлигини тасдиқлаш масаласи суд қарори билан ҳал этилади.

20. II гурух ногиронлиги бўлган шахснинг ёлғиз яшайдиган пенсионерлиги ҳолати Агентликдан олинади.

21. Конуннинг 12-моддаси “з” бандига мувофиқ пенсия тайинланаётганда Агентликнинг “ТИЭК” ахборот тизимидан олинадиган шахснинг фарзанди 8 ёшгача ногиронлиги бўлган бола деб топилганлиги тўғрисидаги маълумот асосида белгиланади.

22. Пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатлар ҳам асл нусхада, ҳам Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тасдиқланган нусхаларда тақдим этилиши мумкин, фақат асл нусхаларда тақдим этиладиган маълумотномалар (иш ҳақи ва бошқа маълумотномалар) бундан мустасно.

23. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган хорижий фуқароларнинг шахсини, ёшини, яшаш жойини, фуқароликка мансублигини тасдиқлайдиган маълумот сифатида “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсини, ёшини, яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат сифатида “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар қабул қилинади.

24. Чернобиль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашиш мудофаа ишлари бўйича орган томонидан берилган белгиланган намунадаги маълумотнома, шунингдек, тугатишда қатнашиш учун ўз ходимларини юборган ташкилотларнинг маълумотномалари билан тасдиқланади.

25. Пенсия жамғармаси бўлими ҳужжатларни қабул қилишда тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмуни ва расмийлаштирилишининг тўғрилигини, уларнинг нусхалари ҳужжатларнинг асл нусхасига мувофиқлигини текшириши керак.

Бунда шахснинг пенсия олишга бўлган ҳуқуқи, талаб этиладиган иш стажи мавжудлиги, шунингдек, пенсия тайинлаш учун асос ҳисобланадиган ҳужжатларнинг мавжудлиги кўриб чиқилади.

Пенсия жамғармаси бўлими ташкилотдан ёки шахсдан қабул қилинган ҳужжатларни расмийлаштиришни охирига етказишини ва қўшимча ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатларнинг тўғри берилганлигини текшириб кўриш ҳуқуқига эга.

26. Агар ҳужжатда (электрон маълумотда) туғилган вақт тўғрисида аниқ сана кўрсатилмаган ҳолда ой кўрсатилган бўлса, у ҳолда тегишли ойнинг 15-куни туғилган сана ҳисобланади.

Агар тақдим этилган ҳужжатда (электрон маълумотда) ой кўрсатилмасдан фақат туғилган йил кўрсатилган бўлса, ушбу йилнинг биринчи июль куни туғилган кун сифатида қабул қилинади.

Барча тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза, шунингдек, Пенсия жамғармаси бўлимининг пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарори пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади ва/ёки ахборот тизимида электрон кўринишда сақланади.

3-боб. Пенсиялар тайинлаш учун иш стажини ҳисоблаб чиқиши ва тасдиқлаш тартиби

27. Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўйидагилар қўшиб ҳисобланади:

а) фаолият тури, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса, шунингдек жисмоний шахснинг 2021 йил 1 июндан кейинги ишламаган даври учун унинг эри (хотини) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ўз даромадларидан ихтиёрий асосда ижтимоий солиқ тўлаган давр.

1965 йил 1 январгача бўлган даврда жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқишида, ушбу йилдаги меҳнат билан қатнашиш кунлари сонидан қатъи назар, ҳар бир ишлаб берилган йил иш стажига бир календарь йил сифатида қабул қилинади.

1965 йил 1 январдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқишида, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигига белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади. Агар жамоа хўжалиги аъзоси жамоа хўжалигига меҳнатда иштирок этишнинг белгиланган минимумини жамоа хўжалиги аъзолари таркибиغا қабул қилиш (чиқиши) йилида бажарган бўлса, у ҳолда унинг иш стажи жамоа хўжалиги аъзолари таркибиغا қабул қилинган санадан бошлаб (чиқиши санасигача) қабул қилинади.

Жамоа хўжалигига меҳнатда иштирок этишнинг белгиланган минимумини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд бўлмаса, меҳнатнинг амалдаги давомийлиги бўйича иш вақти олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул бўлган ижодий уюшмалар аъзоларига 1991 йил 1 январгача иш стажи агар ана шу муаллифнинг асари биринчи марта эълон қилинган ёки жамоат олдида ижро этилган (намойиш этилган) кундан эътиборан Пенсия жамғармасига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – сугурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари томонидан белгиланади.

Иш стажига, ўтган давр учун бир йўла қўшиб ҳисоблаш (тўлаш)дан қатъи назар, унинг учун:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – сугурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ тўланган ойлар қабул қилинади, дехқон хўжаликлари аъзолари ҳамда қорамол етишириш ҳамда шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида етиширилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотларини) етишириш билан банд бўлган шахслар бундан мустасно;

б) ҳарбий хизмат (шу жумладан, сафарбарлик чақириғи резервидаги ҳарбий хизмат) ва партизанлар отрядлари ва қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларидағи ва ички ишлар органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизмат;

в) ҳарбийлаштирилган соқчиликда, маҳсус алоқа органларида ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) Пенсия жамғармасига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – сугурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун ижтимоий солиқ тўлаган бўлса, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ёки қорамол етишириш ҳамда шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида етиширилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бўйича фаолият;

д) қараб туриш вақти:

I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага қараб туриш;

ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган қарияларга қараб турилган вақт – 80 ёшга тўлган қария ўзганинг парваришига муҳтоҷ бўлган давр.

Бунда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болани, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган 80 ёшга тўлган кексага қараб туриш вақти пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига фақат қараб турган ва қараб туришга муҳтоҷ бўлган шахс билан бирга яшаган шахслардан бирига қўшиб ҳисобланади;

е) олий таълим ташкилотларида (шу жумладан, уларда ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштириладиган ҳарбий таълим ташкилотларида), аспирантурада (стажёрлар-тадқиқотчилар-изланувчилар институтида), докторантурасида (катта илмий ходимлар – изланувчилар институтида) ва клиник ординатурасида таянч докторантурасида ва докторантурасида (олий таълимдан кейинги таълим институтида) кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш;

ж) бола 3 ёшга тўлгунга қадар, болани парваришилаш таътилларида бўлиш вақти, бироқ жами кўпи билан 6 йил.

Мисол: Агар 30 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ишлаётган аёл иш стажининг 8 йили мобайнида жами 3 болани парваришилаш таътилларида бўлган бўлса, у ҳолда пенсия тайинлаш учун иш стажини ҳисоблашда унга жами 28 йил иш стажи ҳисобланади ($30 \text{ йил} - 8 \text{ йил} + 6 \text{ йил} = 28 \text{ йил}$).

Болани парваришилаш таътилида бўлиш даври (шу жумладан, пули тўланадиган таътилда бўлиш) ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳукуқини берадиган маҳсус иш стажига қўшилмайди;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапорчиларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, бироқ кўпи билан 10 йил;

и) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг хотини (эри) чет элда бўлган, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

28. Агар ушбу Низомнинг 27-банди “а” – “г” кичик бандларида кўрсатилган даврлар бир вақтнинг ўзида бир даврга тўғри келса, у ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг хоҳишига кўра ушбу Низомнинг 27-банди “а” – “г” кичик бандларида кўрсатилган фақат бир давр қўшиб ҳисобланади. Иш стажини ҳисобга олишнинг шундай тартиби ушбу Низомнинг 27-банди “д” – “и” кичик бандлари учун ҳам қўлланилади.

Ушбу Низомнинг 27-банди “а” – “г” ва “д” – “и” кичик бандларида кўрсатилган даврлар бир вақтнинг ўзида бир даврга тўғри келса, у ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг хоҳишига кўра ушбу Низомнинг 27-банди “а” – “г” ва “д” – “и” кичик бандларида кўрсатилган даврлардан бири қўшиб ҳисобланади.

Бунда пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг хоҳишига кўра ушбу Низомнинг 27-банди “а” – “г” кичик бандларида кўрсатилган даврлар “д” – “и” кичик бандларида кўрсатилган даврлардан бирига алмаштирилган тақдирда, мурожаат қилган шахснинг иш ҳақини аниқлашда меҳнат фаолиятининг охирги ўн йиллик давридан чиқариб ташланмаган ҳолда “а” – “г” кичик бандларида кўрсатилган даврлар бўйича аниқланади.

29. Ушбу Низомнинг 27-банди “д” – “и” кичик бандларида назарда тутилган даврлар иш стажига ушбу Низомнинг 27-банди “а” – “г” кичик бандларида кўрсатилган камида 7 йил умумий иш стажи мавжуд бўлганда қўшиб ҳисобланади.

Ногиронлик ва бокувчисини йўқотганлик пенсияларини тайинлашда ушбу Низомнинг 27-банди “д” – “и” кичик бандларида назарда тутилган даврлар ушбу Низомнинг 27-банди “а” – “г” кичик бандларида кўрсатилган иш стажи мавжуд бўлганда, унинг қанча давом этганлигидан қатъи назар, қўшиб ҳисобланади.

Мехнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида I ва II гурух ногиронликда бўлиш вақти ёшга доир ва боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда стажга қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинлангандан кейин ишланган вақт пенсия тайинлаш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди. Эртароқ муддатдан бошлаб ёшга доир пенсия тайинлашда стаж пенсия тайинланган кунгача ҳисобга олинади.

30. Ногиронлиги бўлган болани саккиз ёшгача тарбия қилган ногиронлиги бўлган боланинг онасига пенсия тайинлашда талаб қилинадиган 20 йиллик иш стажига ушбу Низомнинг 27-банди “а”–“д” кичик бандларида кўрсатилган даврлар қўшиб ҳисобланади.

Ушбу Низомнинг 27-банди “д” кичик бандида назарда тутилган давр Қонуннинг 8-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда иш стажига киритилади.

31. Қонуннинг 12-моддаси “а” бандига мувофиқ уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахсларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга пенсия тайинлашда пенсия тайинлаш учун зарур бўлган талаб этиладиган иш стажи Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ аниқланади.

32. Стажга қўйидагилар имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади:

а) ҳаракатдаги армия таркибида киравчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидағи хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидаги иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш – уч ҳисса баробарида;

б) 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарисида ишлаш, шу жумладан, ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидаги иш ва ушбу банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган хизматдан ташқари, ҳарбий хизмат – икки ҳисса баробарида;

в) Қонуннинг 10-моддаси “а” ва “б” бандларига ҳамда 11-моддасининг “а” бандига мувофиқ имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳукуқини берадиган – эркакларда 10 йилдан ортиқ ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан ортиқ ишланган ҳар бир тўлиқ йил – икки ҳисса баробарида;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунитет танқислиги вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш – икки ҳисса баробарида;

д) патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айrim тоифаларининг иши ушбу Низомга З-иловага мувофиқ – бир ярим ҳисса баробарида;

е) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатагон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлиш ва ҳисбда сақлаш жойларида турган вақти – бир ярим ҳисса баробарида.

Ушбу бандда назарда тутилган иш стажини имтиёзли ҳисоблаш тартиби Қонун бўйича тайинланадиган пенсияларнинг барча турлари учун қўлланади.

33. Пенсияга бўлган ҳуқуқни белгилашда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи ушбу Низомнинг 32-бандида белгиланган қоидалар қўлланмасдан аниқланади.

34. Талаб қилинадиган иш стажидан ортиқ стаж мавжуд бўлган тақдирда, умумий иш стажи яхлитланиши керак. Бунда иш стажининг умумий 15 календарь кундан (15-календарь куннинг ўзи ҳам) ортиқ даври тўлиқ ойгача яхлитланади, 15 календарь кунгача бўлган давр эса ҳисобга олинмайди.

35. Учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимларга пенсиялар тайинлаш учун белгиланган хизмат муддатларини ҳисоблаб чиқиш тартиби ушбу Низомга 4-иловада келтирилган.

36. Саноатнинг мавсумий тармоқлари ташкилотларида банд бўлган ходимларга ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ тўлиқ мавсум мобайнидаги иш бир йилдаги иш учун, тўлиқ бўлмаган мавсум мобайнидаги иш – амалда банд бўлган давр бўйича ҳисобга олинади.

Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ер ости ишларидаги стажни ҳисоблаб чиқишида (Қонуннинг 10-моддаси “а”, “б” бандлари ва 11-моддаси “а” банди) меҳнатда майибланиш ёки ушбу ишда олинган касб касаллиги оқибатида ногиронликда бўлиш вақти ушбу Низомнинг 32-банди “в” бандида белгиланган қоидалар қўлланмасдан кўрсатиб ўтилган стажга киритилади.

37. Агар дехқон хўжалиги аъзоси ёки совхоз ходими ушбу йилда 12 ой ишлаган

ва камида 9 ой мобайнида:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса, иш стажига бир календарь йил қўшиб ҳисобланади.

Бошқа ҳолларда иш стажи:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – сугурта бадаллари тўланган;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган ойлар сонига мутаносиб равища ҳисобга олинади.

38. Фермер хўжалиги аъзоси ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) ходимининг иш стажи:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланишининг;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланишининг амалдаги даври бўйича аниқланади.

39. Қорамол етиштириш ҳамда шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотларини) етиштириш билан банд бўлган шахслар, майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган дехқон хўжалигида, томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда етиштириш билан банд бўлган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасида белгиланган тартиблар асосида ижтимоий солиқ тўланган даврлар пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ушбу шахслар ўзи учун ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланишининг миқдоридан келиб чиқиб ижтимоий солиқни тўлаш хуқуқига эга.

Ижтимоий солиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда, ижтимоий солиқ тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатида кўрсатилган сана ижтимоий солиқ тўланган кун ҳисобланади. Тўлов ҳужжатида фамилияси, исми, отасининг исми, Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – ЖШШИР) ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Бунда оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари бўйича тўлов ҳужжати ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида-алоҳида ёзилади. Агар тўлов ҳужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Ижтимоий солиқ фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзоларининг доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг Молия вазирлигининг Ягона газна ҳисобварағида очилган шахсий ғазна ҳисобварағига тўланади.

Тўланган ижтимоий солиқ ҳисоби давлат солиқ хизмати органида юритилади.

Ушбу Низомнинг ушбу бандида, шунингдек, 37-бандида назарда тутилган иш стажини ҳисоблаш тартиби Конунга мувофиқ пенсиялар тайинлашда кўлланилади.

40. Диний ташкилотларда банд бўлган шахсларнинг, шу жумладан, меҳнат шартномаси ва/ёки фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома бўйича ишловчи шахсларнинг иш стажига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисоблаш шарти билан уларнинг иш даври қўшиб ҳисобланади.

41. Чет элда ишлаш даврлари:

меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ихтиёрий равищда 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқлар тўланган давр иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ўзи учун мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланишнинг миқдоридан келиб чиқиб ижтимоий солиқни тўлашни куйидаги тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга:

хар ойда ёки ҳар чоракда;

бир йўла – Ўзбекистон Республикаси келган кунидан бошлаб уч йил мобайнида.

Меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасида белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўланган давр пенсия тайинлашда иш стажи ҳисобида инобатга олинади.

Чет элда бўлиш даври меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Labor-migration” дастурий мажмуасидаги маълумотлар, шахснинг паспортдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтганилиги тўғрисидаги ёзувлар (мухрлар, штамплар ёки белгилар) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг кўрсатиб ўтилган шахснинг бошқа давлатда бўлган вақти ва консуллик ҳисобига қўйилганлиги маълумоти кўрсатилган тегишли ҳужжатлар асосида тасдиқланади.

ЖШШИР мавжуд бўлмаганда чет элга ишлашга кетаётган шахс солиқ тўловчи сифатида унга **ЖШШИР** расмийлаштирилиши билан биргаликда доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилиши шарт.

Ижтимоий солиқнинг миқдори тўлов кунида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ижтимоий солиқни нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда, ижтимоий солиқ тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатида кўрсатилган сана ижтимоий солиқ тўланган кун ҳисобланади.

Тўлов ҳужжатида фамилияси, исми, отасининг исми, **ЖШШИР** ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт.

Агар тўлов ҳужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Миллий валютадаги ижтимоий солиқ меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағида очилган шахсий ғазна ҳисобварағига унинг томонидан мустақил равишда, оила аъзолари ёки ишончли вакил томонидан тўланади.

Ижтимоий солиқни тўлаш хорижий валютада (бошқа давлат ҳудудидан) Пенсия жамғармасининг маҳсус валюта ҳисобварақларига амалга оширилиши мумкин ва тўлов санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютага қайта ҳисоблаб чиқилади.

Ушбу банднинг ўн саккизинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Пенсияни ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳалқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг 2015 йил 1 январга қадар чет элда ишлаган даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳалқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг 2015 йил 1 январга қадар чет элда ишлаган даври пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини аниқлашда меҳнат фаолиятининг охирги ўн йиллик даврига киритилмайди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳалқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахслар, шунингдек, уларнинг хотини (эри)га 2015 йил 1 январга қадар тайинланган пенсиялар ушбу Низом ва Қонуннинг 51-моддаси талаблари ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилиши лозим.

42. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 405 ва 409-моддаларида белгиланган тартибларда ижтимоий солиқ тўланган давр иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органи солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромад тўғрисидаги декларациясида кўрсатилган маълумотлар асосида ижтимоий солиқни тўлаш бўйича олдинги йил учун мажбуриятларни ҳисоб-китоб қиласди.

Ижтимоий солиқни тўлаш солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахсларнинг доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағида очилган шахсий ғазна ҳисобварағига давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддатларида амалга оширилади.

Тўлов хужжатида фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИР ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт.

Агар тўлов хужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой учун тўланган деб ҳисобланади.

43. Якка тартибдаги тадбиркор ва якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 408-моддасида белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўланган давр пенсия тайинлашда иш стажи ҳисобида инобатга олинади.

Якка тартибдаги тадбиркор ўзи учун мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланишнинг миқдоридан келиб чиқиб Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ миқдорини мустақил ихтиёрий равишда тўлаш хуқуқига эга.

Ижтимоий солиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда, ижтимоий солиқ тўланганлиги тўғрисидаги тўлов хужжатида кўрсатилган сана ижтимоий солиқ тўланган кун ҳисобланади. Тўлов хужжатида фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИР ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Агар тўлов хужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Ижтимоий солиқ якка тартибдаги тадбиркорнинг доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағида очилган шахсий ғазна ҳисобварағига тўланади.

Тўланган ижтимоий солиқ ҳисоби давлат солиқ хизмати органларида юритилади.

44. Фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзолари ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан (бундан ўн саккиз ёшга тўлмаганлар мустасно) календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 408-моддасида белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўланган давр пенсия тайинлашда иш стажи ҳисобида инобатга олинади.

Фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзолари ва оиланинг бошқа аъзолари ўзи учун мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланишнинг миқдоридан келиб чиқиб Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ миқдорини мустақил ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Ижтимоий солиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда, ижтимоий солиқ тўланганлиги тўғрисидаги тўлов хужжатида кўрсатилган сана ижтимоий солиқ тўланган кун ҳисобланади. Тўлов хужжатида фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИР ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Бунда оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари бўйича тўлов хужжати ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида-алоҳида ёзилади. Агар тўлов хужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Ижтимоий солиқ фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзоларининг доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағида очилган шахсий ғазна ҳисобварағига тўланади.

Тўланган ижтимоий солиқ ҳисоби давлат солиқ хизмати органларида юритилади.

45. Давлат солиқ хизмати органи якка тартибдаги тадбиркор томонидан (мехнат шартномаси асосида чет элда ишлаган шахс, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар, оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси, банд шахс ва деҳқон хўжалиги аъзоси) тўланган ижтимоий солиқни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳар чоракда ҳисботот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача якка тартибдаги тадбиркорнинг (мехнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, солиқ агенти ҳисобланмаган иш берувчидан даромад олувчи ходим, оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси ва деҳқон хўжалиги аъзоси) доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига тўланган ижтимоий солиқ тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

Ушбу шахслар томонидан Пенсия жамғармасига 2019 йил 1 январга қадар тўланган суғурта бадаллари, 2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун тўланган ягона ижтимоий тўлов, 2020 йил 1 январдан кейинги даврлар учун тўланган ижтимоий солиқ қайтариб берилмайди, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 103-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Давлат солиқ хизмати органи ижтимоий солиқ тушумлари бўйича якунларни:

якка тартибдаги тадбиркордан, деҳқон хўжалиги раҳбаридан ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари учун – ҳар чоракда амалга оширади ва тўланмаган ёки муддати ўтказиб юборилган тўловлар аниқланган тақдирда, кўрсатилган шахларсга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 116-моддасига асосан унинг қарзи миқдори ҳақида ушбу қарз ҳосил бўлган давр, шунингдек, тўлов муддати ўтказиб юборилганлиги учун қўшилган пеня миқдорини кўрсатган ҳолда талабнома юборади;

Мехнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган шахслардан – ҳар йили амалга оширади.

Давлат солиқ хизмати органи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркор томонидан (мехнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган шахсдан, деҳқон хўжалиги аъзосидан ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси учун) ижтимоий солиқ тўланиши юзасидан доимий назорат олиб боради.

Агар дехқон хўжалигидаги меҳнати ёки якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти фуқаро учун қўшимча ҳисобланса унинг меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси) асосий иш жойида юритилади.

46. Жисмоний шахс томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ўз даромадларидан 2021 йил 1 июндан кейинги даврда ишламайдиган эри (хотини) учун ихтиёрий асосда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўланган давр пенсия тайинлашда иш стажи ҳисобида инобатга олинади.

Жисмоний шахс мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб турмуш ўртоғи учун Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ миқдорини мустақил равишда тўлаш ҳукуқига эга.

Жисмоний шахс томонидан тўланган тўлов ҳужжатида унинг ишламайдиган эри (хотини)нинг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИР ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт.

Агар тўлов ҳужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Ижтимоий солиқ жисмоний шахснинг доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағида очилган шахсий ғазна ҳисобварағига тўланади.

Тўланган ижтимоий солиқ ҳисоби давлат солиқ хизмати органларида юритилади.

47. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иш стажига, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасидаги ишга тўғри келадиган стажнинг учдан биридан ортиқ бўлмаган доирада киритилади.

Мисол. Чет эл фуқаросининг умумий иш стажи 40 йилни ташкил этади, шундан 21 йили Ўзбекистон Республикаси худудига, 19 йили эса хорижий давлат худудига тўғри келади. Ушбу ҳолатда чет эл фуқаросининг хорижий давлатдаги иш стажи пенсияни ҳисоблаш учун 7 йил (21 йил/3) доирасида қабул қилинади ва умумий иш стажи 28 йилни (21 + 7) ташкил этади.

48. Меҳнатда майбланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсияси, иш стажидан қатъи назар, тайинланади.

Меҳнатда майбланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик оқибатида ногиронлик пенсиясига ўтказища зарур стаж ногиронликнинг дастлабки белгиланиши вақтига нисбатан ёш бўйича белгиланади.

49. Умумий касаллик оқибатида ногиронлик пенсияси ногиронлик бошланган вақтда нисбатан куйидаги иш стажи мавжуд бўлганда тайинланади:

Ёш	Иш стажи (йилларда)
20 ёшдан 23 ёшга етгунга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга етгунга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга етгунга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга етгунга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга етгунга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга етгунга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга етгунга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга етгунга қадар	17
56 ёш ва ундан катта ёш	20

50. Иш даврида ёки иш тўхтатилгандан кейин 20 ёшга тўлгунгача умумий касаллик оқибатида ногиронлиги бўлган шахсга пенсия, иш стажи давридан қатъи назар, тайинланади.

Агар умумий касаллик оқибатида ногиронлик бошланган вақтга нисбатан ушбу Низомнинг 49-бандида белгиланган ёшга нисбатан талаб қилинадиган иш стажи мавжуд бўлмаган тақдирда ва иш стажига қўшимча равишда эришиш шарти билан талаб қилинадиган иш стажи пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинган кундаги ёшга нисбатан белгиланиши мумкин.

51. Ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ёшга доир ёки вафот этган ногиронлиги бўлган шахс учун боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқиши учун иш стажига қўшиб ҳисобланади.

52. Иш стажи иш, хизмат, ўқиши ёки иш стажига ҳисобланадиган бошқа фаолият амалга оширилиши жойидан, шунингдек, архив муассасаларидан бериладиган хужжатлар бўйича белгиланади.

Банд шахсларга иш стажи давлат солиқ хизмати органлари томонидан бериладиган:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ тўланганлиги тўғрисидаги маълумотномалар бўйича белгиланади.

53. Иш стажи тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврлари суднинг қарори билан белгиланади.

Пенсия жамғармасининг худудий бошқармалари фуқароларга иш стажини тасдиқлаш учун қонунчиликда назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, судларга даъволар тайёрлашда кўмаклашади.

54. Иш стажи тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларнинг асосланганлиги ва ишончлилигини аниқлаш мақсадида Пенсия жамғармаси бўйими:

иш стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмунини ва зарур тарзда расмийлаштирилганлигини баҳолайди ҳамда зарурат бўлганда улар берилишининг асосланганлигини текшириш тўғрисида қарор қабул қиласди;

иш стажи ва ойлик иш ҳақи тўғрисида тақдим этилган ҳужжатларда тузатишлар, ноаниқликлар, тафовутлар, ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлиги аниқланган ҳолларда меҳнат фаолиятининг айrim даврларини иш стажи даврига ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариб ташлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошларида назарда тутилган қоидалар шахснинг 2005 йил 1 январдан аввалги даврлар учун иш стажи меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар ёки электрон меҳнат дафтарчасида тегишли маълумотлар бўлган тақдирда ва иш стажи тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомнинг 11-банди тўртинчи – еттинчи хатбошларида назарда тутилган ахборот тизимларидан олинган ҳолларда кўлланилмайди.

55. Иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар ҳарбий ҳаракатлар, табиий оғатлар, авариялар, ҳалокатлар ёки бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида тўлиқ сақланмаган ёки қисман сақланган ҳолларда иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоятлар, туманлар (шаҳарлар)нинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) томонидан ташкил этиладиган иш стажини аниқлаш бўйича маҳсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Қисман сақланиб қолган ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида кўрсатиб ўтилган комиссиялар томонидан белгиланган меҳнат фаолияти даврлари иш стажига, шунингдек, ҳужжатлар билан тасдиқланган иш вақти сифатида имтиёзли пенсия олиш ҳукуқини берадиган маҳсус иш стажига киритилади.

56. Меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси) иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

2021 йил 1 июндан бошлаб пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг 2005 йил 1 январдан аввалги даврлар учун иш стажи меҳнат дафтарчасидаги (электрон меҳнат дафтарчасидаги) мавжуд ёзувлар асосида қўшимча тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан белгиланади.

Иш стажи “ЯММТ” ИДАКдаги мавжуд маълумотлар асосида ҳам тасдиқланади.

Меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаганда, шунингдек, меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда иш стажини тасдиқлаш учун (банд шахснинг иш стажидан ташқари) маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлар ва иш ҳақи бериш учун қайдномалар, меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари ва меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган бошқа хужжатлар қабул қилинади.

Бунда маълумотномада ишга қабул қилиш тўғрисидаги, иш (лавозим) бўйича ўзгаришлар тўғрисидаги ва асослари кўрсатилган ҳолда меҳнат шартномасининг тўхтатилиши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак. Маълумотнома ташкилот ёки архив раҳбари, шунингдек, маълумотномани тайёрлаган ходим томонидан имзоланади ва маълумотномани берган ташкилот ёки архивнинг муҳри билан тасдиқланади.

57. 1991 йил 1 январгача ижодий уюшмалар аъзолари ҳисобланган ижодий ходимларнинг иш стажи ушбу муаллифнинг асари биринчи марта эълон қилинган ёки жамоат олдида ижро этилган (намойиш қилинган) кунни тасдиқлайдиган ижодий уюшмалар бошқарувлари томонидан берилган маълумотномалар билан белгиланади.

1991 йил 1 январдан кейин иш стажини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ тўлаш даври тўғрисидаги маълумотномалар, шунингдек, ижодий уюшмалардаги мавжуд маълумотлар асосида ижодий уюшмалар бошқаруви томонидан берилган ижодий фаолият даври тўғрисидаги маълумотнома қабул қилинади.

Ижодий уюшмалар аъзолари ҳисобланмаган бошқа ижодий ходимларнинг ижодий фаолиятини тасдиқлаш учун Пенсия жамғармасига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ тўлаш даври тўғрисидаги маълумотномалар қабул қилинади.

58. Ҳарбий хизматни, давлат хавфсизлиги органларидағи хизматни, шунингдек, асирда бўлганлик вақтини тасдиқлаш учун:

ҳарбий гувоҳномалар (ҳарбий билетлар);

мудофаа ишлари бўйича бўлимларнинг, юқори ҳарбий қисмларнинг, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Электрон технологияларини ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизматининг штаблари ва муассасаларининг маълумотномалари;

архив маълумотномалари ва ҳарбий-даволаш муассасаларининг маълумотномалари қабул қилинади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида меҳнат дафтарчасига киритилган ҳарбий хизмат тўғрисидаги ёзувлар ҳам тасдиқлаш учун қабул қилинади.

Жанговар ҳаракатлар даврида ҳаракатдаги армия таркибидаги ҳарбий хизмат, шу жумладан, байналмилал бурчни бажаришдаги ҳарбий хизмат ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда бериладиган мудофаа ишлари бўйича бўлимларнинг маълумотномалари асосида имтиёзли ҳисоблаб чиқилган ҳолда меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидағи хизматни тасдиқлаш учун меҳнат дафтарчасига киритилган бундай хизмат тўғрисидаги ёзувлар, ёзувлар бўлмаган тақдирда эса – ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда бериладиган маълумотномалар қабул қилинади.

59. Олий таълим ташкилотларида (шу жумладан, уларда ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштириладиган ҳарбий-таълим ташкилотларида) аспирантурада (стажёрлар–тадқиқотчилар изланувчилар институтида), докторантурада (катта илмий ходимлар–изланувчилар институтида) ва клиник ординатурада, таянч докторантурада ва докторантурада (олий таълимдан кейинги таълим институтида) кундузги ўқиш вақти дипломлар, шунингдек, маълумотномалар ва архив маълумотлари асосида берилган ва ўқиш даврлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Ҳужжатларда бундай маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ўқиш даврининг исботи сифатида, ҳужжатларда тўлиқ ўкув йилини тамомлаганликка кўрсатма мавжуд бўлиши шарти билан, тегишли йилларда мазкур таълим ташкилотида ўқиш даври давомийлиги тўғрисидаги маълумотномалар тақдим қилинади.

60. Иш даврида бошланган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври давомийлиги ушбу иш жойи бўйича бериладиган маълумотномалар бўйича белгиланади.

Бунда кўрсатиб ўтилган (тиббиёт муассасалари томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақалари билан тасдиқланган) давр иш стажига фақат:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидағи даромадлар ҳисобланган тақдирда киритилади.

61. I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб туриш вақти:

қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси;

ногиронликда бўлганликни (I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болалар учун), ёшни (кексалар ва ногиронлиги бўлган болалар учун) тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва ўзганинг парвариши зарурлиги тўғрисида (кексалар учун) даволаш муассасасининг тиббий хулосаси асосида белгиланади.

Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимларидан ва шахслардан сўраб чиқиш, шунингдек, уларнинг қўшниларидан сўраб чиқиш асосида Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тузилади.

I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 80 ёшга тўлган кексаларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаларини расмийлаштиришнинг даврийлиги ҳар 12 ойга белгиланади. Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномалари I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахс ёки 80 ёшга тўлган кексаларнинг маълумотлари сақланаётган пенсия ишига тикиб қўйилади ва/ёки Пенсия жамғармасининг ахборот тизимиға юкланади ва қараб турган шахсга пенсия тайинлашда иш стажига киритиш учун асос ҳисобланади.

Қараб туришнинг ҳолати ногиронлиги бўлган болани ўз қарамоғига олган оиланинг аъзоси учун ҳам татбиқ қилинади.

Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномалари мавжуд бўлмагандан қараб туриш ҳолати суднинг қарори асосида белгиланади.

62. Болани парваришлаш таътилида бўлиш вақти меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарча)даги мавжуд меҳнат стажи тўғрисидаги ёзувлар (маълумотлар) асосида ушбу банднинг 5–7-хатбошларида белгиланган даврларга мувофиқ ҳисобланади.

Шахс меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарча) бўлмаган ёки ушбу банднинг 5–7-хатбошларида белгиланган муддатлар асосида ҳисобланган болани парваришлаш таътилида бўлиш вақти давомийлигидан норози бўлган ҳолларда унинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақти Пенсия жамғармаси бўлимининг сўрови асосида олинадиган ёки фуқаро томонидан тақдим қилинадиган ташкилот ёки архив томонидан бериладиган унинг болани парваришлаш таътилида бўлиши ва қайтиши тўғрисидаги маълумотномалар асосида белгиланади.

Болани парваришлаш таътилида бўлиш вақти болани парваришлаш таътили берилиши ва ундан қайтиш тўғрисидаги маълумотномалар ёки буйруқлар мавжуд бўлмаганда, шунингдек, буйруқларда зарур ёзувлар бўлмаганда ёки болани парваришлаш таътилида бўлганлик даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаник ёзувлар бўлганда, ушбу давр учун ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома болани парвариша таътилида бўлганлик даврининг тасдиғи сифатида қабул қилинади.

Архив ва/ёки ташкилот томонидан тасдиқланган юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда болани парвариша таътилида бўлиш даври қуийдаги даврларни ташкил этади:

1 йил – 1971 йил 1 январдан 1983 йил 1 ноябргача туғилган бола учун;

1,5 йил – 1983 йил 1 ноябрдан 1990 йил 1 июлгача туғилган бола учун;

3 йил – 1990 йил 1 июлдан кейин туғилган бола учун.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда болани парвариша таътили бошланган сана сифатида ҳомиладорлик ва туғиши таътили тугаган сана қабул қилинади.

1965 йил 1 январдан кейинги давр учун жамоа хўжалиги аъзосининг болани парвариша таътилида бўлиш вақтини аниқлашда, агар жамоа хўжалиги аъзоси бўлган, бола туққан аёл жамоа хўжалигида меҳнатда иштирок этишнинг белгиланган минимумини бажармаган бўлса, бола туғилган йил (пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилганинг танлови бўйича) меҳнат стажининг тўлиқ йили, бироқ ушбу Низомнинг 27-банди мувофиқ жами кўпи билан 6 йил сифатида ҳисобга олинади.

63. Олдини олиш чораси сифатида қамоқда бўлиш вақти, жазони ўташ вақти, шахс лавозимдан ноқонуний четлатилганлиги муносабати билан ишламаган вақт, тиббиёт муассасасида бўлиш вақти тергов органлари ёки ички ишлар органларининг маълумотномалари билан тасдиқланади ва реабилитация (оқлов ҳукми, реабилитацияловчи асослар бўйича иш тўхтатилиши тўғрисидаги ажрим (қарор) ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд бўлганда иш стажига ҳисобланади.

64. Офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапорчиларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақти маълумотномалар билан тасдиқланади.

Хизмат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўталган ҳолларда ушбу маълумотнома мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳудудий органи томонидан берилади, хизмат чет элда ўталган тақдирда эса – ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳарбий хизмат ўталган жой бўйича юқори ҳарбий қисмлар, муассасалар, ҳарбий-ўкув (ўкув) муассасалари командирлари (бошлиқлари) томонидан берилади.

65. Ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларида хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидаги иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда қатнашиш мудофаа ишлари бўлимлари ва тегишли органлар томонидан берилган маълумотномалар билан тасдиқланади.

66. Ходимларнинг айрим тоифалари учун белгиланган имтиёзли шартларда пенсия олиш хуқуқини тасдиқлаш учун (масалан: ишларнинг қизғин участкаларида ёки қизғин ишларда бандлик тўғрисида, муайян моддалар ёки хавфиликнинг муайян даражаларига кирадиган заарли моддалар билан ишлаш тўғрисида, ер ости ишларида бандлик тўғрисида, ишларни муайян усулда бажарганлик тўғрисида, муайян жойда ишларни бажарганлик тўғрисида ва шу кабилар) маҳсус стажни тасдиқлаш мақсадида ушбу Низомга 10-иловага мувофиқ шакл бўйича ташкилотнинг (солик тўловчи ташкилотнинг идентификация рақамини кўрсатган ҳолда) аниқлаштирувчи маълумотномалари қабул қилинади.

67. Учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимларнинг айрим тоифаларига имтиёзли пенсия таъминоти хуқуқини берадиган маҳсус иш стажи:

учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар учун – тегишли ташкилот томонидан берилган училган соатларни тасдиқлайдиган маълумотнома билан тасдиқланади. Учувчи-синовчилар таркибига кирадиган айрим ходимларнинг синов техникасини синашда бандлиги ташкилотлар томонидан берилган маълумотномалар билан тасдиқланади;

ҳаво ҳаракатини бошқарган ходимлар учун – меҳнат дафтарчasi билан, шунингдек: ҳаво ҳаракатини бевосита бошқаришга қўйиш тўғрисидаги белгилар билан бирга ҳаракат хизмати диспетчери (парвозлар раҳбарининг) гувоҳлиги; мутахассисни ҳаво ҳаракатини бевосита бошқариш билан боғлик лавозимга тайинлаш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда ташкилотнинг маълумотномалари асосида тасдиқланади.

68. Театрлар ва бошқа театр-томуша корхоналари ва жамоаларининг артистлари айрим тоифаларининг имтиёзли пенсия таъминоти олиш хуқуқини берадиган маҳсус иш стажи меҳнат дафтарчasi (электрон меҳнат дафтарчasi) билан тасдиқланади.

Касб (лавозим)нинг номи, бажариладиган ишнинг жанрга мансублиги, хусусияти ёки иш кечган ташкилотнинг мақоми тўғрисида меҳнат дафтарчасида (электрон меҳнат дафтарчасида) зарур маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда маҳсус иш стажи ушбу шахсга нисбатан маълумотлар мавжуд бўлган иш жойидан берилган маълумотнома билан тасдиқланади.

69. Авариялар ва маҳаллий кўламдаги бошқа фавкулодда вазиятлар (ёнгин, сув босиши), ташкилотнинг тўлиқ тугатилиши ёхуд ушбу Низомнинг 55-бандида назарда тутилгандан бошқа сабаблар бўйича архив маълумотларининг мавжуд эмаслиги муносабати билан мавжуд иш стажи тўғрисидаги хужжатлар мавжуд бўлмаганда ва уларни олиш имкони бўлмаганда иш стажи суд тартибида белгиланади.

Суднинг қарори билан жамоа хўжалиги аъзосининг иш стажи тасдиқланган тақдирда, ушбу стажни белгилаш 16 ёшдан бошлаб амалга оширилади, агар иш стажи бошланиши 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврига тўғри келса – 14 ёшдан белгиланади.

70. Иш стажини тасдиқлаш учун тақдим этиладиган хужжатлар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ва ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланиши керак.

Меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ушбу дафтарчани тўлдириш ва юритиш пайтида амалда бўлган меҳнат дафтарчаларини юритишни тартибга соладиган қонунчилик талабига мувофиқ расмийлаштирилиши керак.

71. Иш стажини тасдиқлаш учун фақат меҳнат дафтарчаларига киритилган ва тасдиқлайдиган хужжатлар асосидаги маълумотномаларда кўрсатилган иш даврлари тўғрисидаги маълумотлар қабул қилинади.

Кейинчалик ўз фаолиятини тўхтатган жамоа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар) ва фермер хўжаликлари томонидан берилган маълумотномалар, агар уларда маълумотнома бериш учун асослар мавжуд бўлса, эътиборга олинади.

Хужжатлар асосида меҳнат дафтарчасига киритилган иш стажи тўғрисидаги жами ёзувлар куйидаги иш даврларига нисбатан:

1962 йил 14 декабрдан кейин, агар меҳнат дафтарчасига ариза берувчи меҳнат дафтарчасини берган ташкилотга киргунига қадар қайси ташкилотда, қайси вақтда ва қандай лавозимларда ишлаганлиги тўғрисида аниқ ёзувлар киритилган бўлса;

1962 йил 14 декабргача, меҳнат дафтарчасида кўрсатиб ўтилган маълумотлар бор-йўқлигидан қатъи назар, иш стажининг исботи ҳисобланади.

Агар ариза берувчи меҳнат дафтарчасидан ташқари жами ёзувлар тегишли бўлган меҳнат дафтарчаси тўлдирилгунига қадар давр учун иш тўғрисида айрим хужжатларни тақдим этса, у ҳолда умумий якун сифатида ёзилган бутун иш стажи хужжатлар билан тасдиқланиши керак. Бу амалдаги қоидаларга мувофиқ улар тўғрисидаги ёзувлар меҳнат дафтарчасига алоҳида сатрда ёзилиши керак бўлган меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги хужжатлар тақдим этилиши ҳолларига тегишли эмас.

Жами ёзувларда ҳисобга олиниши мумкин бўлган 1941 – 1945 йиллардаги уруш давридаги иш даврлари тўғрисида хужжатлар тақдим этилганда ушбу хужжатлар бўйича иш стажи қўшимча равишда бир баравар ёки икки баравар миқдорга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади. Ушбу ҳолатда меҳнат дафтарчасига умумий якун билан ёзилган жами иш стажини тасдиқлаш талаб этилмайди.

72. Ўқиши даврида академик таътилларда бўлиш, шунингдек, тайёрлов курсларида ўқиши даври вақти иш стажига қўшиб ҳисобланмайди.

73. Агар иш стажини тасдиқлайдиган хужжатда кўрсатилган исми, отасининг исми ёки фамилияси паспорт (идентификация ID-карта) ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўйича исми, отасининг исми ёки фамилияси билан мос бўлмаса ушбу хужжатнинг мазкур шахсга тегишлилиги ҳолати фақат меҳнат дафтарчасини ёки иш стажи тўғрисидаги бошқа хужжатни биринчи марта берган ташкилот томонидан тасдиқланиши мумкин. Бошқа барча ҳолларда хужжатларнинг таалтуқлилиги суд томонидан белгиланиши шарт.

Иш стажи тўғрисида тақдим этилган хужжатда аниқ саналар белгиланмасдан фақат йиллар қўрсатилган ҳолларда тегишли йилнинг 1 июля сана сифатида қабул қилинади, агар ойнинг санаси қўрсатилмаган бўлса, тегишли ойнинг 15-куни ана шундай сана ҳисобланади.

74. Пенсия жамғармаси бўлими ёки иш стажини белгилаш бўйича маҳсус комиссия томонидан чиқарилган иш стажини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор билан рози бўлинмаган тақдирда, ушбу масала суд томонидан ҳал этилади.

4-боб. Пенсияни ҳисоблаш тартиби

75. Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома шахс мурожаат қилгандан кейин унинг талаби бўйича ушбу Низомга 11 ва 12-иловаларга мувофиқ шакл бўйича қонунчиликда белгиланган муддатларда ташкилот, шунингдек, архив томонидан берилади.

Шахснинг иш стажи ва иш ҳақи “ЯММТ” ИДАК ва ушбу Низомнинг 11-банди учинчи – еттинчи хатбошларида назарда тутилган ахборот тизимларидаги мавжуд маълумотлар асосида ҳам тасдиқланади.

76. Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома шахсий ҳисоб рақамлари ва ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги бошқа хужжатлар асосида пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган ёки вафот этган боқувчи ишлаган ташкилот томонидан берилади. Агар ташкилот тугатилган ёки бошқа сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган бўлса, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ташкилотнинг ҳуқуқий вориси ёки давлат архиви томонидан берилади.

Архив сақланаётган хужжатлар асосида иш ҳақи турлари бўйича ҳисобланган суммаларни ёйиб кўрсатган ҳолда белгиланган шакл бўйича иш ҳақи турлари бўйича маълумотнома бериш имконига эга бўлмаган ҳолларда архив фондидаги мавжуд хужжатларга мувофиқ маълумотнома ёки маълумотлар бериш ҳуқуқига эга.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда пенсияни ҳисоблаш учун:

а) Ўзбекистон Республикасида тегишли касб ва малака ходимининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома – Ўзбекистон Республикасида ишламаган бошқа мамлакатлардан кўчиб келган фуқаролар учун.

Республикада бундай касб ва малака бўлмаган тақдирда, иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади;

б) муаллифлик гонорари тўғрисидаги маълумотномалар – ижодий уюшмалар аъзолари ва ижодий уюшмаларнинг аъзолари ҳисобланмаган бошқа ижодий ходимлар учун.

1991 йил 1 январдан сўнг кўрсатиб ўтилган шахслар, шунингдек, банд бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат солик органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида Пенсия жамғармасига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солик тўланганлиги тўғрисида маълумотлар (маълумотномалар) қабул қилинади.

77. Иш ҳақи ҳисобланган иш ҳақи суммасидан олинади.

Иш ҳақини гувоҳлар кўрсатмаси асосида аниқлашга йўл қўйилмайди. Лавозим маошлари штат жадвалидан кўчирмалар ва жамоат ташкилотларининг аъзолик билетлари ҳақиқий иш ҳақини тасдиқлайдиган ҳужжат ўрнини боса олмайди.

Архив маълумотларини тақдим этмасдан иш стажи ва иш ҳақи миқдорини аниқлаш:

2005 – 2016 йиллар даври учун – жамғариб бориладиган пенсия тизимиغا мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016 – 2018 йиллар даври учун – фуқароларнинг Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил учун – фуқароларнинг иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – “ЯММТ” ИДАҚда мавжуд маълумотлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Ушбу банднинг тўртинчи – олтинчи хатбошиларида кўрсатилган даврлар учун архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки фуқаронинг мурожаати асосида фойдаланилади.

Ушбу банднинг тўртинчи – еттинчи хатбошиларида кўрсатилган даврлар учун архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганида, қисман мавжуд бўлганида ёки ноаниқ маълумотлар мавжуд бўлганида Пенсия жамғармаси бўлимининг сўрови ёки фуқаронинг мурожаати асосида фойдаланилади.

Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар қисман мавжуд бўлмаган ҳолларда мавжуд бўлмаган даврлар учун иш ҳақини аниқлаш учун минтақавий коэффициент ҳисобга олинмасдан, қонунчиликда тегишли даврлар учун белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорлари қабул қилинади.

Пенсия тайинлаш учун берилган ҳужжатларда ишончсиз маълумотлар ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни бузадиган тузатишлар аниқланганда, Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлашгача уларни текшириши ёки қўшимча маълумотлар тақдим этиш ёки иш ҳақи тўғрисида берилган маълумотномаларга тушунтиришлар бериш тўғрисида ёзма сўров юбориши шарт.

78. Ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) ойлик иш ҳақи олинади.

Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахс томонидан пенсия тайинлаш учун тақдим этилган аризада ушбу банднинг биринчи хатбоши талабларидан келиб чиқсан ҳолда у танлаган беш йиллик давр кўрсатилади.

79. Ушбу Низомнинг 27-банди “д” – “и” кичик бандларида кўрсатилган даврлар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақти, шахс меҳнат, фаолиятини амалга оширмасдан, меҳнатда майибланиш ва касб касаллигига чалиниш оқибатида I ёки II гуруҳ ногирони бўлиб қолган вақт иш ҳақини аниқлашда меҳнат фаолиятининг охирги ўн йиллик даврига киритилмайди.

Меҳнат фаолиятининг охирги ўн йиллик даврида ушбу Низомнинг 27-банди “д” – “и” кичик бандларида кўрсатилган даврлар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақти, шахс меҳнат фаолиятини амалга оширмасдан, меҳнатда майибланиш ва касб касаллигига чалиниш оқибатида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган вақт мавжуд бўлган тақдирда, ушбу даврлар мазкур Низомнинг 27-банди “д” – “и” кичик бандларида кўрсатилган давларга алмаштирилиши керак, муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақти, шахс меҳнат фаолиятини амалга оширмасдан, меҳнатда майибланиш ва касб касаллигига чалиниш оқибатида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган вақт бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган Пенсия жамғармасига ихтиёрий равища 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун суғурта бадаллари, 2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун ягона ижтимоий тўлов, 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун ихтиёрий равища ижтимоий солиқ тўлаш хуқуқи берилган шахслар томонидан Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ (ягона ижтимоий тўлов, суғурта бадаллари) тўланмаганлиги сабабли иш стажига қўшиб ҳисобланмаган даврлар меҳнат фаолиятининг охирги ўн йиллик даврига киритилмайди.

80. Иш ҳақи тўғрисида маълумотнома тақдим этилмаганлиги ёки уларнинг ишончлилиги ва асослилигини текшириш мумкин эмаслиги муносабати билан иш стажига киритилмаган даврлар, шунингдек, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлиш даврлари меҳнат фаолиятининг охирги ўн йиллик даври учун иш ҳақини ҳисоблаб чиқишдан чиқариб ташланмайди.

Меҳнат дафтарчасидаги суд тартибида сохталашибирлган (қалбакилашибирлган) деб топилган ёзувлар меҳнат фаолиятининг охирги ўн йиллик даврига киритилмайди.

81. I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахснинг, шунингдек, вафот этган, ногиронлик бошланган ёки вафот этган вақтида бир ойдан кам иш стажига эга бўлган боқувчининг иш ҳақи ишланган кунлар учун иш ҳақи суммасини ишланган кунлар сонига бўлиш ва олинган натижани ушбу ойнинг иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

82. Иш ҳақи таркибига, шунингдек, иш ҳақининг натурал қисмига 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун қонунчиликка мувофиқ сұғурта бадаллари, 2019 йилдан кейинги давр учун Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 371-моддасида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар киритилади.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахслар учун 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун сұғурта бадалларининг солик солиш обьекти уларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилгунига қадар охирги иш жойи бўйича олинган, Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотлари ходимлари учун иш ҳақи оширилиши ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

83. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг, ички ишлар органлари ва божхона органлари оддий ва бошлиqlар таркибига кирувчи шахсларининг, шунингдек, ўқув ёки йўқлама қилиш йигинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг иш ҳақи таркибига қонунчиликка мувофиқ:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – сұғурта бадаллари;

2019 йилдан кейинги давр учун – ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар билан бўлгани сингари пул таъминотининг барча турлари киритилади.

84. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг хоҳишига кўра ўқиши даврида тўланган стипендия иш ҳақига тенглашибирлайди.

85. Банд бўлган шахснинг иш ҳақи миқдори:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига тўланган сұғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ суммасидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

86. Банд бўлган шахснинг пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинадиган иш ҳақи миқдори ҳисобга олинадиган аниқ бир ой (йил) учун Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик):

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – суғурта бадаллари суммасини Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш даврида амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун) ва фуқароларнинг суғурта бадалларининг умумий ставкасига;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов тўлаш даврида амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун) умумий ставкасига;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 405-моддасига асосан – ижтимоий солиқ суммасини тўлаш даврида амалда бўлган ижтимоий солиқ ставкасига бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимнинг, шунингдек, оиласи тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинадиган аниқ бир ой учун даромади:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган ойдаги;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ тўланган ойдаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорига teng қилиб олинади.

87. Иш ҳақига минтақавий коэффициентлар белгиланган туманларда ишлаган шахсга пенсия тайинлашда минтақавий коэффициент ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилган:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар қўшиб ҳисобланган иш ҳақи ҳисобга олинади.

88. Вафот этган пенсионернинг оила аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдори вафот этган пенсионер (боқувчи)нинг пенсиясини ҳисоблаш учун қабул қилинган иш ҳақидан ҳисоблаб чиқилади.

Боқувчи ногиронлик пенсияси олевчи ҳисобланган ва пенсия тайинлангандан кейин меҳнат фаолиятини амалга оширган ҳолларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашни сўраб мурожаат қилган вафот этган боқувчи оила аъзосининг хоҳишига кўра ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейин эга бўлинган иш стажи боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинади. Талаб қилинадиган иш стажи боқувчи вафот этган кунда унинг ёши бўйича аниқланади.

Бунда кўрсатиб ўтилган иш стажи учун олинган иш ҳақи иш ҳақи таркибиға киритилади, агар бокувчи ёшга доир пенсия олса ва пенсия тайинлангандан кейин ишни давом эттирса пенсия тайинлангандан кейин иш стажи ва иш ҳақи ҳисобга олинмайди.

89. Ой, йил чораги, ярим йиллик, йил якунлари бўйича мукофотлар, шунингдек, давр якунлари бўйича тўланадиган тақдирлаш пули, давлат байрамлари ва ишларнинг айрим турларини бажарганлик учун бир марталик мукофотлар, шунингдек, шунга ўхашаш бошқа тўловлар (шу жумладан, жамоа хўжаликлари аъзоларига пилла етишириш бўйича тўловлар ҳамда йиллик иш якунлари бўйича қўшимча тўловлар):

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – сугурта бадаллари тўланиши;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни ҳисоблаш шарти билан, улар ҳисобланган ой учун иш ҳақи таркибиға киритилади.

Ходимга ишдан бўшаганидан кейин тўланган мукофотлар (давр якунлари бўйича тақдирлаш пули ва йиллик иш якунлари бўйича қўшимча тўловлар) меҳнат шартномаси тўхтатилган ой учун иш ҳақи таркибиға киритилади.

90. Иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар учун (ишга кириш ёки ишдан бўшаши муносабати билан) иш ҳақи пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилганинг хоҳишига кўра иш ҳақи таркибиға киритилади. Бунда иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар тўлиқ календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Ташкилотнинг устав сармоясида (фондида) қатнашиш муносабати билан олинган даромадлар ва дивидендларни тақсимлаш тарзидаги тўловлар иш ҳақи таркибиға киритилмайди.

91. Пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилган умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Агар ногиронлик ёки бокувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш стажи беш йилдан кам бўлса, пенсияни ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи календарь иш ойлари учун қайта ҳисобланган иш ҳақи умумий суммасини ушбу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

92. Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини қўллаган ҳолда пенсияларни ҳисоблаб чиқиш учун иш ҳақини қайta ҳисоблаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

93. Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсия тайинлашда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи охирги ўн йилдан исталган кетма-кет беш мавсум учун қайta ҳисоблаб чиқилган иш ҳақини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

94. Пенсияни ҳисоблаш учун қонунчиликда пенсия тайинланадиган санага белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг ўн баравари, 2023 йил 1 январдан ўн икки баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган суммадаги ўртacha ойлик иш ҳақи қабул қилинади.

95. Пенсия тайинлаш учун қабул қилинадиган ўртacha ойлик иш ҳақи пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдоридан кам бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ мавжуд бўлмаган ҳолларда пенсия миқдори қонунчиликда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилинган кунда белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдоридан келиб чиқиб минтақавий коэффициент ҳисобга олинмасдан ҳисоблаб чиқилади.

96. Пенсия миқдори иш стажи даврига боғлиқ бўлади ва:

- пенсиянинг базавий миқдоридан;
- иш стажи учун пенсия оширилишидан;
- пенсияга устама ҳақлардан шаклланади.

97. Пенсияни ҳисоблаш учун пенсияларнинг қуйидаги базавий миқдорлари белгиланади:

а) ёшга доир пенсиялар учун – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртacha ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас;

б) I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртacha ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас;

в) бокувчисини йўқотганлик пенсияси учун оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртacha ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида, бироқ қонунчилик хужжатларда белгиланган миқдорлардан кам эмас;

г) ҳар иккала ота-онасини йўқотган болаларга (чин етимларга) бокувчисини йўқотганлик пенсияси учун ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига ҳар бир бола учун – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртacha ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас.

98. Пенсия тайинлаш учун талаб қилинадигандан ортиқ иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг базавий миқдорлари:

а) ёшга доир пенсиялар – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртacha ойлик иш ҳақининг 1 фоизига;

б) I ва II гурӯҳлар ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик пенсиялари – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртacha ойлик иш ҳақининг 1 фоизига;

в) бокувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – бокувчи ўртacha ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизига ошириллади.

99. Ҳар иккала ота-онасини йўқотган болаларга (чин етимларга) тайинланадиган бокувчисини йўқотганлик бўйича пенсияларни ошириш пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг ўн баравари, 2023 йил 1 январдан ўн икки баравари миқдори доирасида ҳар иккала ота-онанинг иш ҳақи умумий миқдоридан амалга оширилади.

Бунда ҳар иккала ота-онасини йўқотган болаларга (чин етимларга) тайинланадиган бокувчисини йўқотганлик пенсияси миқдори ҳар иккала ота-онанинг умумий иш стажи миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади, яъни пенсия тайинлаш ва талаб этиладигандан ортиқ стаж учун пенсияни ошириш ҳар иккала ота-онанинг умумий иш стажи миқдори бўйича амалга оширилади.

Агар ота-онадан бирининг иш стажи ва иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган бокувчисини йўқотганлик пенсияси миқдори ҳар иккала ота-онанинг умумий иш стажи ва иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган бокувчисини йўқотганлик пенсияси миқдоридан кўп бўлса, у ҳолда, чин етим мақомини сақлаб қолган ҳолда, мурожаат этганинг хоҳиши бўйича ота-онадан бирининг иш стажи ва иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган пенсиянинг энг кўп миқдори тайинланади.

100. Мехнатда майбланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик пенсиясининг базавий миқдори ногиронлик бўйича пенсия тайинланган кунда ушбу Низомнинг 49-бандида назарда тутилган иш стажи мавжуд бўлганда оширилади.

101. Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ шахсларнинг айrim тоифалари пенсияга устама ҳақ олиш ҳукуқига эга.

Пенсияга устама ҳақлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

- а) I гурух уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахсларга – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 150 фоизи;
- б) II гурух уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахсларига – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 125 фоизи;
- в) кўриш бўйича I гурух ногиронлиги бўлган шахсларига – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи;
- г) I гурух ногиронлиги бўлган шахсларига – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 75 фоизи;
- д) II гурух ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларига – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 75 фоизи;
- е) уруш қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 50 фоизи;
- ж) 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида фронт орқасида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятларни бажарган шахсларга – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 30 фоизи;

з) вафоти ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш ёки ички ишлар органларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳга кирмаган бева хотинларига (бева эрларига) – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 30 фоизи;

и) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматларга эга бўлган шахсларга – хизматларга қараб пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизидан 150 фоизигача;

к) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни амалга ошириш масалалари ҳақида” 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган ташкилотларда ишлаган имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга, Қонуннинг 10-моддаси “г” бандига мувофиқ, ёшидан қатъи назар – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 75 фоизи;

л) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни амалга ошириш масалалари ҳақида” 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорига 2-иловада кўрсатилган лавозимларда ва ташкилотларда ишлаган (эркаклар учун камида 25 йил ва аёллар учун камида 20 йил) театр, концерт ташкилотларининг артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъатининг ижодий ходимларини тайёрлаш билан банд бўлган таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчилар таркибиغا ва концертмейстерларига – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 50 фоизи.

102. Устамалар тайинланадиган пенсиялар туридан қатъи назар, тайинланади. Агар пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган ушбу Низомнинг 101-бандида назарда тутилган бир неча устама ҳақни бир вақтда олиш ҳуқуқига эга бўлса, у ҳолда устама ҳақлар қуидаги ҳолларда бир вақтнинг ўзида тайинланади:

а) пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахсга ушбу Низомнинг 101-банди “а” ёки “б”-бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир вақтда ушбу Низомнинг 101-банди “з” – “л” кичик бандларида кўрсатилган устама ҳақлардан бири қўшиб ҳисобланishi мумкин;

б) пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг танлови бўйича ушбу Низомнинг 101-банди “в”, “г” ёки “д” бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир вақтда ушбу Низомнинг 101-банди “е” – “л” кичик бандларида кўрсатилган устама ҳақлардан бири қўшиб ҳисобланади.

103. Ушбу Низомнинг 101-банди “и” кичик бандига асосан пенсияга устама Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонини белгилаш ва олий нишон – “Олтин Юлдуз” медалини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

Ушбу Низомнинг 101-банди “к” ва “л” кичик бандларида назарда тутилган пенсияга устамалар пенсионер Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда театр ва мусика санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1995 йил 20 октябрдаги ПФ-1280-сон Фармони жорий қилинадиган республика театр-концерт ташкилотларидан ёки театр ва мусика санъати ижодий кадрларини тайёрловчи таълим ташкилотларидан ишдан бўшагандан сўнг пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб белгиланади.

104. Фахрий унвон учун белгиланган тўлов фахрий унвон эгасининг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари учун тайинланадиган бокувчисини йўқотганлик пенсияси микдорини ҳисоблашда инобатга олинмайди.

105. Ушбу Низомнинг 101-бандида назарда тутилган устама ҳақлардан ташқари пенсионерларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фахрий унвонлар учун тўловлар микдорини ошириш тўғрисида” 2007 йил 17 декабрдаги ПФ-3942-сон Фармонига иловага мувофиқ фахрий унвонлар учун қўшимча ҳақ, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига эса ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-кувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон Фармонига мувофиқ пенсияни ҳисоблашнинг базавий микдорининг 100 фоизи микдорида қўшимча тўлов қўшиб ҳисобланади.

Илгари амал қилган қонунчиликка асосан берилган фахрий унвонларга эга бўлган шахсларга тўловлар амалдаги қонунчиликда назарда тутилган микдорларда амалга оширилади.

Фахрий унвон учун, шунингдек, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган пенсионерларга қўшимча тўлов, пенсияга устама ҳақларнинг сони ва микдорларидан қатъи назар, амалга оширилади.

106. Бошқа давлатдан келган шахснинг, шу жумладан илгари Ўзбекистон Республикасидан доимий яшаш учун кетган шахснинг пенсия хужжатлари йиғмажилдини ҳисобга қабул қилиб олишда, унинг бошқа давлатда пенсия олганлигидан қатъи назар, пенсия микдори ҳисобга қабул қилиш тўғрисида мурожаат қилинган вақтда амалда бўлган қонунчилик талабларига мувофиқ ҳисобланади.

Пенсия Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади ва тўланади.

5-боб. Пенсия тайинлаш тартиби

107. Пенсия тайинлаш масалаларини кўриб чиқиш учун пенсия жамғармаси бўлимида пенсияларни тайинлаш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) тузилади. Комиссия фаолиятини ташкил этиш тартиби бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

108. Комиссия бошқа зарур ҳужжатлар билан биргаликда пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза тушгандан кейин ўн кун муддатда тегишли қарор қабул қиласи (пенсия тайинлаш, пенсия тайинлашни рад этиш, тақдим этилган ҳужжатларнинг асосланганлигини текшириш ва бошқалар тўғрисида).

109. Агар пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ариза берувчи пенсия тайинлаш учун мурожаат қилишда назарда тутилган зарур ҳужжатларни тақдим этмаса ёки тақдим этилган ҳужжатлар уларнинг асосланганлиги ва ишончлилиги юзасидан қўшимча текширишни талаб қилса, комиссия томонидан ҳужжатларни текшириш тугагунига қадар ариза берувчи тақдим этган ҳужжатларга асосан қонунчиликда белгиланган миқдорда пенсия тайинланади ҳамда текшириш якунига мувофиқ қўшимча ҳужжатлар асосида пенсияси қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Агар ариза берувчи текшириш якунига қадар пенсия тайинлашга рози бўлмаса, комиссия ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириш тамом бўлгандан кейин пенсия тайинлаш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Пенсиялар Қонуннинг 47-моддасида назарда тутилган муддатларга мувофиқ тайинланади.

110. Пенсия иши комиссия томонидан пенсия тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кун мобайнида расмийлаштирилиши керак.

Бунда пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш) ёки рад этиш тўғрисида қарор комиссия томонидан ахборот тизими орқали электрон тарзда тасдиқланади.

Комиссия томонидан пенсия тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганида Пенсия жамғармаси бўлими пенсионер пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган мобил телефон рақамига пенсия тури, пенсия миқдори, пенсия тайинлаш муддати, пенсия тўлов шакли ва пенсия тўлаш санаси тўғрисидаги “СМС” хабарнома юборади.

Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби, шунингдек пенсия ҳужжатлари шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

111. Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилгандан кейин беш кундан кечикмай ташкилот ёки ариза берувчига рад этиш сабабларини, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган билдиришномани бериши ёки юбориши ҳамда барча тақдим этилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини ҳужжатлар олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан шахсга (қонуний вакилга) қайтариши, шунингдек шахснинг мобиль телефон рақамига рад этиш сабаблари, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тўғрисида “СМС” хабар юборилиши керак.

Шахс комиссия қароридан норози бўлган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлимининг бевосита юқори турувчи органига ёки судга шикоят қилиши ҳуқуқига эга.

112. Бокувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳукуқига эга бўлган оила аъзоларининг барчасига битта умумий пенсия тайинланади. Оила аъзосининг талабига кўра унинг пенсиядаги улуши ажратилади ва унга алоҳида тўланади.

Бошқа туманда (шаҳарда) яшайдиган оила аъзоси ўзига пенсия улушкини тайинлаш ёки ажратиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда мурожаат қилганинг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимни расмийлаштирадиган ёки ушбу оиланинг амалдаги пенсия хужжатлар йиғмажилди турган Пенсия жамғармаси бўлимига тегишли хабарномани юборади. Хабарномага ариза ва янгидан мурожаат қилган оила аъзосининг пенсия олиш ҳукуқини тасдиқлайдиган хужжатлар илова қилинади. Ушбу ҳолатда пенсия бокувчисини йўқотганлик пенсиясидан улуш ажратиб бериш тўғрисида мурожаат қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи қунидан бошлаб тайинланади.

Пенсия ишини расмийлаштиришнинг барча ҳолларида оила ҳар бир аъзосининг пенсияга бўлган ҳукуқини тасдиқлайдиган барча хужжатлар тикиб қўйилади ва/ёки ахборот тизимда сакланади.

Таълим ташкилотининг ўқувчиси ва/ёки талабаси ҳисобланган оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоси бокувчисини йўқотганлик пенсиясини ўқишининг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунига қадар олиш ҳукуқига эга.

Бокувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳукуқини аниқлашда вафот этган бокувчи оиласининг ногиронликнинг III гуруҳига эга бўлган аъзолари вафот этган бокувчи оиласининг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари жумласига киритилмайди (бундан болаликдан ногиронлиги бўлган III гуруҳ шахслар мустасно).

Агар вафот этганинг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки неваралари парвариши билан улар икки ёшга тўлгунгача банд бўлган оила аъзоларидан бири пенсия турларидан биттасини оловчи бўлса, у ҳолда унинг хоҳиши бўйича Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ фақат пенсиянинг битта тури тайинланади.

Бокувчисини йўқотганлик пенсияси (шу жумладан, бокувчисининг вафотидан кейин туғилган болага) ушбу пенсияга ҳукуқи пайдо бўлган қундан бошлаб, пенсия тайинлаш учун биринчи марта мурожаат қилинганда бокувчи вафот этган қундан бошлаб б ойдан кечикмай тайинланади. Қолган ҳолатларда пенсия мурожаат қилинган қундан бошлаб тайинланади

Мисол. Бокувчи вафот этгандан (2010 йил 10 июнь) кейин туғилган боланинг (2010 йил 6 август) бокувчисини йўқотганлик пенсиясига ҳукуқи туғилган қунидан бошлаб пайдо бўлади. Тегишли равишда, бокувчининг вафотидан кейин туғилган болага бокувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашни сўраб 2010 йил 10 декабрга (мурожаат қилишининг охирги қуни 2010 йил 9 декабрь) қадар мурожаат этилганда пенсия 2010 йил 6 августдан тайинланади.

113. Агар оиласининг алоҳида яшайдиган аъзосининг пенсияга бўлган ҳукуқини тасдиқлайдиган хужжатлар оиласининг бошқа аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилганидан кейин тушса, у ҳолда алоҳида яшайдиган оила аъзосига пенсия улуши ажратилган ҳолда оиласининг барча аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисида янгидан қарор қабул қилинади.

Оиланинг кўрсатиб ўтилган аъзосининг тушган хужжатлари амалдаги пенсия ишига қўшиб қўйилади, пенсия улушкини ажратиш тўғрисидаги қарор нусхаси эса унинг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади. Пенсия жамғармаси бўлими пенсия улушкини ажратиш учун асос бўлган барча зарур хужжатларнинг нусхалари билан бирга пенсия улушкини олувчига мустақил пенсияга оид хужжатлар йиғмажилдини расмийлаштириши керак.

114. Улушли пенсияни тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлими пенсия улушкини ажратган Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия миқдорини қайта кўриб чиқиши ёки уни тўлашни тўхтатиш зарурлигига олиб келган боқувчисини йўқотганлик бўйича улушли пенсия олувчи оиланинг таркибида юз берган барча ўзгаришлар тўғрисида хабар қилиши шарт.

Пенсия улушкини тўлаш тўхтатилган тақдирда, хужжатлар пенсия тўлаш давом этаётган Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади.

115. Шахсларнинг айрим тоифалари Қонунга мувофиқ имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳукуқига эга.

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳукуқига қонунчиликда назарда тутилган ишларни бажариш билан банд бўлган ходимлар эга бўладилар.

116. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган иш ҳажмининг қисқариши ёхуд корхона тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга ёшга доир муддатидан олдин бериладиган пенсия Қонуннинг 47-моддасида назарда тутилган муддатларга мувофиқ тайинланади.

117. Тўлиқ бўлмаган иш стажи шароитида пенсия:

а) ёшга доир пенсия – ушбу Низомнинг 27-банди “а”, “б”, “в” ва “г” кичик бандларида назарда тутилган камида 7 йил иш стажи мавжуд бўлганда пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган шахсга;

б) ногиронлик пенсияси – пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик оқибатидаги I ва II гурухлар ногиронлиги бўлган шахсларига (шу жумладан, ногиронлиги бўлган болаларга);

в) боқувчисини йўқотганлик пенсияси – умумий касаллик оқибатида вафот этган ва ногиронлик пенсиясини тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган боқувчисини йўқотган оила аъзоларига тайинланади.

Стаж тўлиқ бўлмагандаги пенсия миқдори қонунчиликда белгиланган миқдорлардан паст бўлиши мумкин эмас.

Стаж тўлиқ бўлмаган ҳолда пенсия олган вафот этган пенсионернинг оила аъзоларига пенсия вафот этган боқувчига пенсия ундан келиб чиқиб тайинланган иш стажига мутаносиб равища тайинланади.

118. Тўлиқ бўлмаган иш стажи ҳолатида пенсия қуидаги тарзда мавжуд стажга мутаносиб равища ҳисоблаб чиқилади: дастлаб тегишли тўлиқ пенсия аниқланади; ушбу пенсия талаб этиладиган иш стажи ойлари сонига бўлинади, олинган сумма амалдаги иш стажи ойлари сонига кўпайтирилади.

119. Пенсионерга расмий хужжат ҳисобланадиган пенсия гувоҳномаси берилади.

6-боб. Пенсияларни бир туридан бошқа турига ўтказиш тартиби

120. Пенсияларнинг бир турини олган пенсионер Қонунга мувофиқ бошқа пенсия турига бўлган ҳукуқ мавжуд бўлган тақдирда, пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

Пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказишида тайинланган пенсияни тўлаш тўхтатилади ва қонунчилик билан қўйиладиган иш стажини ва ойлик иш ҳақини ҳисоблаш талабларга мувофиқ бошқа турдаги пенсия тайинланади.

121. Пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги ариза пенсионернинг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Вафот этган боқувчининг вояга етмаган оила аъзоси (боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ўтказишида) ёки белгиланган тартибда ҳукуқий лаёқатсиз деб эътироф этилган шахснинг номидан пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги ариза унинг қонуний вакили яшайдиган жой бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Пенсия жамғармаси бўлими пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги масалани шахс тегишли ариза билан мурожаат қилганда кўриб чиқади.

Шахснинг аризаси Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилади. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ариза берувчига ариза қабул қилинган сана қўрсатилган тилхат, шунингдек, этишмайдиган ҳужжатлар рўйхати берилади.

122. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан барча зарур ҳужжатлар билан бирга пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган сана пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш учун мурожаат қилинган кун ҳисобланади.

Пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш учун мурожаат қилган пенсионернинг аризасига қуйидагилар илова қилиниши керак:

ушбу Низомнинг 75-банди талаблари ҳисобга олинган ҳолда пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган пайтдан меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили мобайнида исталган кетма-кет беш йилдаги иш ҳақи тўғрисида маълумотнома (иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар жамғарип бориладиган пенсия тизими, фуқароларнинг Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри, фуқароларнинг иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри, “ЯММТ” ИДАКда мавжуд бўлганда иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжат илова қилинмайди);

ушбу Низомнинг 16-банди ҳисобга олинган ҳолда ушбу Низомнинг 12–14-бандларига мувофиқ унинг учун ариза берилган пенсия турини тайинлаш учун талаб қилинадиган хужжатлар, ушбу хужжатлар пенсиянинг олинадиган тури бўйича расмийлаштирилган пенсия хужжатлар йиғмажилдида мавжуд бўлмаган тақдирда.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда, бокувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи оила аъзолари сони ўзгаришини тасдиқлайдиган хужжатлар тақдим этилади.

123. Пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги ариза Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ўн кун муддатда кўриб чиқилиши керак.

Ёшга доир пенсияни ногиронлик пенсиясига ўтказишида ёшга доир пенсия тайинлангандан кейин эга бўлинган иш стажи ва иш ҳақи ҳисобга олинмайди ҳамда ногиронлик пенсиясини ҳисоблаш учун ўртacha ойлик иш ҳақи илгари ёшга доир пенсияни тайинлашдан олдинги ишнинг охирги ўн йилидан келиб чиқсан ҳолда, ногиронлик пенсиясини тайинлаш вақтида амалда бўлган қонунчиликда назарда тутилган пенсияни ҳисоблаш учун иш ҳақи ва иш стажини ҳисоблаш шартлари кўлланган ҳолда аниқланади.

Илгари шахснинг ёшига доир тайинланган пенсияни пенсияларнинг бошқа турларидан биттаси бўйича тўловнинг тўхтатилиши муносабати билан тиклашда ёшга доир пенсия тайинлангандан кейин эга бўлинган иш стажи ва иш ҳақи ҳисобга олинмайди ва пенсияни ҳисоблаш учун ўртacha ойлик иш ҳақи ёшга доир илгари тайинланган пенсиядан олдинги ишнинг охирги ўн йилидан келиб чиқсан ҳолда, тиклаш вақтида амалда бўлган қонунчиликда назарда тутилган пенсияни ҳисоблаш учун иш ҳақи ва иш стажини ҳисоблаш шартлари кўлланган ҳолда аниқланади.

Бокувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтказишида пенсия миқдорини ҳисоблаш Қонуннинг 34-моддаси шартларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади, иш стажи эса умумий тартибда, учувчилар ва синовчи учувчилар таркибидаги ходимларга пенсиялар тайинлаш учун кўп йиллик хизмат муддатларини ҳисоблаш тартибида назарда тутилган шартлар ва нормалар кўлланмасдан ҳисоблаб чиқилади (ушбу Низомга 4-илова).

124. Пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш рад этилган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилгандан кейин беш кундан кечикмай рад этиш сабаблари, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги пенсионерга хабарномани бериши ёки юбориши шарт ва бир вақтнинг ўзида пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш учун тақдим этилган барча хужжатларнинг асл нусхаларини хужжатлар олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан пенсионернинг қўлига қайтариши ва пенсионернинг пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган мобил телефон рақамига Пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказишини рад этиш сабаблари, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган “СМС” хабарномани юбориши шарт.

Комиссия томонидан пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганида, Пенсия жамғармаси бўлими пенсионернинг пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган мобил телефон рақамига пенсия тури, пенсия тури ўзгартирилган муддат, пенсия миқдори, иш стажи давомийлиги, аниқланган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори, пенсия тўлов шакли ва пенсия тўлаш санаси тўғрисидаги “СМС” хабарнома юборади.

Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин пенсиянинг бошқа турини тўлаш пенсионер барча зарур ҳужжатлар билан бирга тегишли ариза билан мурожаат қилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошланади.

Пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтган пенсионерларга янги пенсия гувоҳномаси ёзилади.

7-боб. Пенсияни қайта ҳисоблаб чиқиши тартиби

125. Пенсионер пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиши учун асос пайдо бўлган тақдирда пенсиянинг тайинланган тури миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиши тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

126. Куйидаги ҳолатлар тайинланган пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қиласди:

- а) пенсионер томонидан пенсия ҳужжатлар йифмажилдида мавжуд бўлмаган ва пенсия миқдорига таъсир кўрсатадиган қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши (ушбу Низомнинг 27-бандида назарда тутилган иш стажи ва пенсия тайинлангунга қадар иш ҳақи тўғрисида);
- б) ногиронлик гурухининг ўзгариши;
- в) бокувчисини йўқотганлик пенсиясини олевчи оила аъзолари сонининг ўзгариши;
- г) ушбу Низомнинг 101-бандида назарда тутилган устама ҳақ олиш ҳукуқининг пайдо бўлиши;
- д) конунчиликка мувофиқ пенсияни ҳисоблаш тартиби ўзгарганда, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг ва пенсия ишини текшириш (урганиш) натижасида пенсия миқдорининг ошиши ёки камайиши;
- е) даромадларнинг индексация қилиниши.

127. Иш ҳақига минтақавий коэффициентлар белгиланган туманларда (шахарларда) ишлаган шахсга пенсияларни қайта ҳисоблашда минтақавий коэффициент ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амалдаги иш ҳақи ҳисобга олинади.

128. Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун қайта ҳисоблаб чиқиши ҳукуқи пайдо бўлгандан кейин исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

129. Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш түғрисидаги ариза пенсионер яшайдиган жой бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Оиланинг вояга етмаган аъзоси (бокувчисини йўқотганлик пенсияси) ёки белгиланган тартибда ҳуқуқий лаёқатсиз деб эътироф этилган шахснинг номидан пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш түғрисидаги ариза унинг қонуний вакили яшайдиган жой бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига берилиши мумкин.

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш түғрисидаги масалани шахс тегишли ариза билан мурожаат қилганда кўриб чиқади.

Шахснинг аризаси Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилади. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ариза берувчига ариза қабул қилинган сана кўрсатилган тилхат, шунингдек, олинган ва етишмайдиган ҳужжатлар рўйхати берилади.

130. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан барча зарур ҳужжатлар билан бирга пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш түғрисидаги ариза қабул қилинган сана пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш учун мурожаат қилинган сана ҳисобланади.

131. Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш учун мурожаат қилган пенсионернинг аризасига ушбу Низомнинг 126-банди “а”, “в” ва “г” кичик бандлари асосида мазкур Низомнинг 12 – 14 ва 16-бандларида кўрсатилганларидан зарур ҳужжатлар илова қилиниши керак (бундан пенсияни қайта ҳисоблаш учун асос бўладиган ҳужжатлар ва маълумотлар ахборот тизимида мавжуд бўлган холатлар мустасно).

132. Пенсия жамғармаси бўлими ногиронлик гуруҳи ўзгарганлиги муносабати билан пенсия миқдорини қайта ҳисоблашни Агентликнинг ахборот тизимидан олинган шахснинг ногиронлиги бўлган шахслиги түғрисидаги маълумотнома (маълумот) асосида амалга оширади.

133. Куйидаги ҳолларда пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш түғрисида ариза бериш талаб қилинмайди:

қонунчиликка мувофиқ пенсияни ҳисоблаш тартиби ўзгарганда, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори ўзгарганда;

тайинланган пенсия миқдори камайишига олиб келган ҳолатлар юз берганда;

оиланинг 18 ёшдан 23 ёшгacha бўлган аъзоларидан бири таълим ташкилотларидан берилган унинг ўкувчи ёки талаба эканлиги ҳақидаги маълумот ахборот тизими орқали олиниб бокувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзолари сони ўзгарганда;

ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

I гуруҳ ногиронлиги белгиланганда.

134. Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш түғрисидаги ариза Пенсия жамғармаси бўлими томонидан беш кун муддатда кўриб чиқилади.

Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш рад этилган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилгандан кейин беш кундан кечикмай рад этиш сабабларини, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартибини кўрсатган ҳолда пенсионерга рад этиш тўғрисидаги билдиришномани бериши ёки юбориши ҳамда айни бир вақтда тақдим этилган хужжатларни хужжатлар олингандиги тўғрисидаги тилхат билан пенсионернинг қўлига қайтариши ва пенсионернинг пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган мобил телефон рақамига пенсия миқдорини қайта ҳисоблашни рад этиш сабаблари, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган “СМС” хабарномани юбориши шарт.

Комиссия томонидан пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилинганида, Пенсия жамғармаси бўлими пенсионер пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган мобил телефон рақамига пенсия тури, пенсия миқдори қайта ҳисобланган муддат, пенсия миқдори, иш стажи давомийлиги, аниқланган ўртacha ойлик иш ҳақи миқдори, пенсия тўлов шакли ва пенсия тўлаш санаси тўғрисидаги “СМС” хабарнома юборади.

135. Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисида комиссия томонидан қарор қабул қилингандан кейин пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш пенсионер барча зарур ҳужжатлар билан бирга тегишли ариза билан мурожаат қилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади. Пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори ўзгарган тақдирда, пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш иш ҳақининг миқдори ўзгариши учун асос бўлган норматив-хукукий ҳужжатда кўрсатилган санадан бошлаб амалга оширилади.

Пенсия миқдори камайишига олиб келган ҳолатлар юз берганда (боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олевчи оила аъзолари сони ўзгариши, ногиронлик гуруҳининг ўзгариши ва бошқа ҳолатлар) қайта ҳисоблаш ушбу ҳолатлар бошланган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

136. Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди турган жой бўйича Пенсия жамғармаси бўлими пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш зарурлигига олиб келган боқувчисини йўқотганлик бўйича улушли пенсия олевчи оила таркибида юз берган барча ўзгаришлар тўғрисида боқувчисини йўқотганлик бўйича улушли пенсия тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига хабар қилишга мажбур.

Бундай ҳолатда комиссиянинг тегишли қарори нусхаси ушбу пенсиянинг улушкини тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади.

137. Иш стажи ва пенсия тайинлангандан кейин эга бўлинган (олинган) иш ҳақи ҳисобга олинган ҳолда пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш амалга оширилмайди.

138. Умумий белгилangan ёш камайтирилган ҳолда ёшга доир пенсия тайинланган шахсга у умумий белгилangan ёшга тўлганлиги муносабати билан пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Илгари боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган болага иккинчи ота-онанинг вафоти муносабати билан пенсия миқдорини иккинчи боқувчининг пенсия миқдорига таъсир кўрсатадиган иш стажи ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиши пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиши учун мурожаат қилинган вактда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ пенсияни ҳисоблаш тартиби қўлланган ҳолда амалга оширилади.

Пенсионер томонидан пенсия тайинлангунгача эга бўлинган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги қўшимча ҳужжатларнинг тақдим этилиши муносабати билан пенсияни қайта ҳисоблаб чиқишида қайта ҳисоблаш вақтида амалда бўлган иш стажи ва иш ҳақини аниқлаш тартиби қўлланади, бунда пенсияни қайта ҳисоблаш учун ўртacha ойлик иш ҳақи тўланадиган пенсияни тайинлашдан олдинги ишнинг охирги ўн йилидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

139. Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти қўлланган ҳолда амалга оширилади.

8-боб. Пенсияларни тўлаш тартиби

140. Пенсиялар комиссиянинг қарорида кўрсатилган миқдор ҳамда муддатлардан келиб чиқиб тўланади.

Пенсионерларга пенсия уларнинг хоҳишига кўра доимий яшаш ёки вақтинча турган жойдаги Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан пенсияни етказиб бериш (топшириш) юклangan ташкилот орқали нақд пулда ёки пенсионернинг хоҳишига кўра пул маблағларини банк картасига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан тижорат банкининг филиали орқали тўланади.

Шахс пенсия ва нафақа тўловини нақд пул шаклида олиш учун ушбу Низомга 14-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан Пенсия жамғармаси бўлимига, нақд пулсиз шаклда олиш учун тижорат банки филиалига ёки банк мобил иловалари орқали мурожаат қиласи. Бунда ушбу маълумотлар тижорат банклари томонидан ўзаро ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон тарзда Пенсия жамғармасига юборилади.

Шахснинг танлови бўйича унга тўланиши лозим бўлган пенсия суммаси, бир вақтнинг ўзида пенсия тўловининг бир нечта шаклидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Тўлов шакли шахс тегишли ариза тақдим этган ёки электрон шаклда мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ўзгартирилади ёки тикланади.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахсларга пенсия тўлови Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан манзил-колония маъмурияти орқали маҳкумларнинг шахсий ҳисобваракларига нақд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Манзил-колония маъмурияти ҳар ойнинг 1-кунида жорий ой учун манзил-колонияда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсиялар тўлови учун маблағларни олишга ушбу Низомга 15-иловага мувофиқ шакл бўйича талабномани манзил-колония жойлашган жойдаги Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади.

141. Пенсияларни банк пластик карточкалари орқали тўлаш учун маблағларни ўтказиш Пенсия жамғармаси худудий бошқармаси томонидан ахборот тизими орқали электрон шаклда тақдим этилган тўлов топшириқномаси ва Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан тақдим этилган қайдномалар асосида амалга оширилади.

Ҳақиқатда молиялаштирилган маблағлар тўлов топшириқномаси ва қайднома электрон шаклда тақдим этилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан хизмат кўрсатувчи тижорат банки филиали томонидан пенсионер ёки нафақа олувчи учун очилган 22617 – “Пенсионерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари” ҳисобварагига кирим қилинади.

142. Тўлиқ бўлмаган ой кунлари учун пенсия тўлови суммаси қуйидаги тартибда аниқланади:

тайинланган пенсия суммасини тегишли ойнинг календарь кунлари сонига бўлиш йўли билан бир кун учун тўлов суммаси аниқланади;

бир кун учун тўлов суммаси пенсия тўлови амалга оширилиши лозим бўлган тегишли ойнинг календарь кунлари сонига кўпайтирилади.

143. Қайдномалар қуйидаги тартибда шакллантирилади:

асосий қайдномалар – пенсия ва нафақалар, вафоти муносабати билан олинмай қолинган пенсия ва нафақалар, ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни қоплаш, пенсия ва нафақалардан алимент ва жарималар, ойлик тўланадиган компенсация тўловлари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа қўшимча тўловларни тўлаш бўйича тўлов ойи учун бир маротаба;

қўшимча қайдномалар – Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кўчиб кетиш олдидан 6 ой аввал бериладиган пенсия тўлови тайинланган кунда, бир марталик моддий ёрдам, қонунчиликда назарда тутилган йиллик тўланадиган бир марталик компенсация ва мукофот пуллари.

144. Пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш (қайта ҳисоблаш) ва тўловларни ташкил қилиш шуъбаси инспектори томонидан қайдномалар ахборот тизимида пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкландиган ташкилот ва тижорат банклари филиаллари бўйича алоҳида ҳар бир маҳалла фуқаролар йигини ва тижорат банки филиали бўйича шакллантирилади.

145. Қайдномалар:

пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкландиган ташкилот учун – ҳар тўлов ойининг 2-кунига қадар шакллантирилади ва 3-кунига қадар тақдим этилади;

тижорат банклари филиаллари учун – ҳар тўлов ойининг 3-кунига қадар шакллантирилади ва 4-кунига қадар ахборот тизими орқали тақдим этилади.

Қайдномаларни шакллантириш ҳамда тақдим этишнинг сўнгги куни дам олиш ёки байрам (иш куни бўлмаган) кунларига тўғри келган ҳолларда кейинги иш куни муддатнинг сўнгги куни деб ҳисобланади, шунингдек, пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар тўланиши керак бўлган ойнинг биринчи санаси узоқ муддатли дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келганида Молия вазирлигининг қарорига асосан аввалги ой якунiga қадар муддатидан аввал пенсия, нафақа ва бошқа тўловларнинг тўлов қайдномаларини шакллантиради, пенсия тўлаш ваколати юклатилган ташкилотга қайдномаларни тақдим этади ва тўловларни бошлаш учун етарли маблағларни молиялаштиради.

146. Тижорат банки филиаллари ҳар ойда пенсионерларнинг банк пластик карточкаларига маблағлар ўз вақтида кирим қилинишини таъминлаши лозим.

Пенсионернинг банк пластик карточкаларига маблағлар кирим қилинган сана пенсия тўланган сана деб ҳисобланади.

Бунда пенсионер вафот этган ойда унинг банк пластик картасига кирим қилинган маблағлар Пенсия жамғармасига қайтариilmайди.

Пенсионернинг банк пластик карточкасига маблағлар пенсионер вафот этган ойдан кейинги ойларда кирим қилинган ҳолларда Пенсия жамғармаси бўлимлари маблағларни Пенсия жамғармаси ҳисобварағига вафот этган пенсионернинг ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлар ҳисобидан қайтариш тўғрисида тегишли тижорат банклари филиалларига расмий хат юбориш орқали қайтариш чораларини кўради.

147. Пенсия тўлаш қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ташқарисида расмийлаштирилган ишончномага ушбу хужжат расмийлаштирилган давлатнинг ваколатли органи томонидан апостиль қўйилиши лозим, бундан Фуқаролик, оиласвий ва жиноят ишлари бўйича ҳукуқий ёрдам ва ҳукуқий муносабатлар (Минск шахри, 1993 йил 22 январь) иштирокчи давлатлари – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар мустасно.

Бунда ишончнома берган шахс Пенсия жамғармаси бўлимларидан бирига бир йилда камида бир марта келиб тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳукуқини тасдиқлаши керак. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсионернинг келиши имконияти мавжуд эмаслиги (соғлиғи туфайли, даволаш муассасаларида, шу жумладан, руҳий ҳолати бузилган шахслар учун стационар даволанишда бўлиш) тўғрисида маълумотлар олинганда Пенсия жамғармаси бўлимлари ходимлари тайинланган пенсияга бўлган ҳукуқни тасдиқлаш учун пенсионер турган жойга чиқиш ҳукуқига эга.

Пенсионер хорижий давлатда бўлган ва Ўзбекистон Республикасига келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда пенсионер Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат этиши мумкин ва хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек, пенсия ёки ижтимоий нафака олмаслигини тасдиқлаши лозим.

Ишончли вакил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига хабар бериши шарт.

Ишончнома пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотнинг бўлинмасида сақланади. Бунда пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотнинг бўлинмаси ишонч билдирилган шахс томонидан ишончнома тақдим этилган санадан бошлаб ўн кун муддатда Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот бўлинмасининг асосий муҳри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланган ишончнома нусхасини юбориши шарт.

148. Пенсионер соғлигининг ҳолати ва яшаш фаолиятининг чекланганлиги даражаси ўзгарганда, ТИЭКнинг асоссиз қарори ҳолатлари аниқланганда, ногиронликни белгилашнинг тўғрилигини текширишларда, шунингдек, агар ТИЭК қарори соҳта ҳужжатлар асосида чиқарилган бўлса, пенсионер белгиланган тартибда ўтказиладиган тақорорий тиббий кўрикдан ўтказиш учун келмаган тақдирда пенсияни тўлаш тўхтатиб қўйилади ва у фақат фуқаро ТИЭКга янгидан мурожаат қилган ва I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этилган кундан бошлаб тикланади.

Агар ногиронлиги бўлган шахс қайта тиббий кўрикдан ўтказишга келмаганлиги сабабли пенсия тўлаш вақтинчалик тўхтатиб турилса ва қайта тиббий кўрикдан ўтказилгандан кейин фуқаро ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этилмаса, у ҳолда пенсия тўлаш вақтинчалик тўхтатиб турилган кундан бошлаб тўхтатилади.

149. Қайта тиббий кўрикдан ўтказилган шахс меҳнатга лаёқатли деб эътироф этилган тақдирда, пенсия у меҳнатга лаёқатли деб эътироф этилган ойнинг охиригача, бироқ ногиронлик белгиланган кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўланади.

150. 2011 йил 1 январдан кейин ногиронликнинг III гуруҳи белгиланган шахсларга, шу жумладан, тақорорий тиббий кўрикдан ўтказилгандан сўнг ногиронликнинг III гуруҳи белгиланган шахсларга ногиронлик пенсияси тайинланмайди ва тўланмайди, Чернобиль ҳалокати оқибатида III гуруҳ ногиронлигини олган шахслардан ташқари.

Мисол: Фуқарога 2010 йилда тайинланган III гуруҳ ногиронлик пенсияси ногиронликнинг бутун даври давомида тўланади. Ушбу фуқаро 2011 йил 1 январдан кейин тақорорий тиббий кўрикдан ўтказилгандан сўнг қайта ногиронликнинг III гуруҳи белгиланса пенсия тўланиши тўхтатилади.

151. Пенсия миқдори ўзгаришига ёки пенсия тўлаш тўхтатилишига сабаб бўладиган ҳолатлар юз берган тақдирда (доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетиши, хорижий давлатда пенсия (ижтимоий нафақа) олиши, оила аъзолари таркибининг ўзгариши, тўлиқ давлат таъминотига ўтиш ва шу кабилар) пенсия оловчи ўн кун муддатда бу ҳақда ўзига пенсия тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига маълум қилиши шарт.

Мехнатга лаёкатсиз фуқароларни тўлиқ давлат таъминотида турган шахслар жумласига киритиш шартлари ушбу Низомга 13-иловада келтирилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига ўз вақтида хабар берилмаслиги муносабати билан пенсиянинг ноқонуний суммаси пенсионер ёки қонуний вакил, шунингдек, ишонч билдирилган (пенсионернинг вафоти ҳолати қасдан яширилган тақдирда) томонидан қайтарилиши керак.

152. Фахрий унвон учун пенсияга қўшимча тўлов олиш ҳукуқи пайдо бўлган тақдирда, пенсионер фахрий унвон учун қўшимча тўловни олиш учун пенсия тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига ариза беради.

Аризага фахрий унвон бериш тўғрисидаги гувоҳнома илова қилиниши керак.

Фахрий унвонлар учун пенсияга қўшимча тўловлар фахрий унвон берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси илова қилинган ҳолда ариза берилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Пенсионерларга фахрий унвонлар учун қўшимча тўлов пенсия тўлови билан бир вақтда яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

153. Пенсионер доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган бўлса ва у фақат вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган бўлса, пенсия вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган муддат мобайнида тўланади. Шахсга пенсия яшаш гувоҳномаси ёки ID-картаси амал қиласидан муддат давомида тўланади.

Вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлик, яшаш гувоҳномаси ёки ID-картасининг амал қилиш муддатининг тугаши билан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш, яшаш гувоҳномаси ёки ID-картасининг кейинги санаси ўртасида узилиш мавжуд бўлган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсияни тўлаш вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш, яшаш гувоҳномаси ёки ID-картасининг янги санасидан бошлаб давом эттирилади. Бунда пенсияни тўлаш пенсия тўлаш тўхтатилган пайтдан, бироқ ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган пайтдан бошлаб давом эттирилади.

154. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида (пансионатларда) яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия билан улар таъминоти учун сарф-харажат ўртасидаги фарқ, бироқ тайинланган пенсиянинг камида 20 фоизи тўланади. Рухий ҳолати бузилган шахслар учун интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди.

155. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси таълим ташкилотининг ўқувчиси ва талабаларига ўқишининг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунига қадар тўланади. Бунда вафот этган боқувчининг 18 – 23 ёшдаги оила аъзоси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги таълим ташкилотининг ўқувчиси ёки талабаси эканлиги Пенсия жамғармаси бўлими томонидан мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ахборот тизимидан олинган электрон сўров орқали аниқланади. Бунда боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг тўлови Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ахборот тизимидан олинган маълумотлар асосида аниқланади.

156. Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилган санадан олдинги ўн икки ойдан ошмаган давр учун тўланади.

Пенсия жамғармаси бўлимининг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

Бунда ўтган давр учун тўловлар бир йўла тегишли ойлар учун ҳисоблаб чиқариб қўйилган ва олинмаган пенсиянинг суммаларига мос микдорда тўланади.

157. Пенсия олувчи шахс Ўзбекистон Республикаси доирасида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кўчган тақдирда, манзил-колонияларда жазони ўтаётганда ёки манзил-колониядан озод этилганда пенсия ҳужжатлар йиғмажилди почта орқали пенсионернинг янги яшаш жойи ёки манзил-колония жойлашган жойдаги Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади ёхуд пенсионернинг қўлига берилади.

Пенсия олувчи шахс бир туман (шаҳар) худудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида бошқа туман (шаҳар)га доимий яшаш учун кўчиб кетганда пенсия аввалги яшаш жойи бўйича шахс рўйхатдан чиқарилган ойнинг охиригача тўланади.

Ушбу ҳолатда пенсияни тўлаш пенсия ҳужжатлар йиғмажилди олингандан кейин пенсия олувчи шахснинг янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан давом эттирилади. Бунда пенсияни тўлаш унинг олдинги яшаш жойи бўйича пенсияни тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб, бироқ у ҳисобга қўйиш мақсадида мурожаат этган кундан олдинги ўн икки ойдан ошмаган давр учун давом эттирилади.

158. Тайинланган пенсияни тўлаш:

пенсионер вафот этганда;

тайинланган пенсияга хуқуқлар йўқолганда;

хорижий давлатда бўлган даврида пенсия (ижтимоий нафака) олганлиги ҳолати аниқланганда;

доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетилганда тўхтатилади.

159. Тайинланган пенсияни тўлаш:

пенсия тўлаш муддати тамом бўлганда;

кетма-кет уч ойдан ортиқ вақт мобайнида пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот орқали пенсия олинмаганда;

пенсионер озодликдан маҳрум этилганда (манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар бундан мустасно);

пенсионер руҳий ҳолати бузилган шахслар учун интернат уйларида яшаганда;

пенсияни тўлашни тўхтатиб туриш тўғрисида пенсионер томонидан ариза берилганда;

суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиной жазони ўташдан бўйин товлаётган шахсларни қидиришга эълон берилганда, бедарак йўқолганда;

ишончнома берган шахс унга тайинланган пенсияга ҳуқуқни тасдиқлаш учун белгиланган муддатда келмаганда тўхтатиб турилади.

Тайинланган пенсияни тўлаш қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам тўхтатиб турилади.

Пенсияни тўлаш пенсионер ёки унинг қонуний вакили Пенсия жамғармаси бўлимига келгандан сўнг ва у ариза тақдим этгандан, шунингдек, шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатгандан сўнг тикланади.

Пенсионер хорижий давлатда бўлиб Ўзбекистон Республикасига келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда пенсионер Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига пенсия тўловини тиклаш юзасидан мурожаат этиши ва хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек, пенсия ёки ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқлаши лозим.

Пенсионернинг суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларида (манзил-колониялардан ташқари) бўлган вақти учун пенсия тўланмайди. Пенсионер озод бўлгандан кейин пенсияни тўлаш Пенсия жамғармаси бўлимига ариза берилган кундан бошлаб тикланади.

Пенсия тўлашни тиклаш комиссия қарорига асосан амалга оширилади.

160. Агар ногиронлиги бўлган шахс тайинланган муддатда қайта тиббий кўрикдан ўтиш учун ТИЭКга узрли сабабларсиз (ногиронлик муддати тугаган кундан бир ой муддат мобайнида) келмаса, унга пенсия тўлаш тўхтатиб турилади, у яна ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этилган тақдирда, тўхтатиб турилган кундан бошлаб тикланади. Қолган ҳолатларда пенсия мурожаат қилинган санадан бошлаб тўланади.

Узрли сабабга қўра қайта тиббий кўрикдан ўтиш муддати ўтказиб юборилган тақдирда, пенсияни тўлаш тўлов тўхтатиб турилган кундан бошлаб қайта текшириш кунигача, бироқ, агар ТИЭК уни бу даврда ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этса З йилдан ортиқ бўлмаган муддатга амалга

оширилади. Бунда агар қайта текшириш чоғида ногиронлиги бўлган шахс ногиронликнинг бошқа гуруҳига (юқорироқ ёки пастроқ гуруҳга) ўтказилган бўлса, у ҳолда кўрсатиб ўтилган вақт учун пенсия олдинги гуруҳ бўйича тўланади.

Агар умумий касаллик оқибатида меҳнат лаёқатини йўқотган ногиронлиги бўлган шахсга пенсия тўлаш меҳнат лаёқати тикланганлиги туфайли тўхтатилган бўлса ёки узрли сабабларсиз қайта тиббий кўрикдан ўтишга келмаганлиги оқибатида тўхтатиб турилган бўлса, у ҳолда кейинчалик у ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этилган тақдирда илгари тайинланган пенсияни тўлаш, агар пенсия тўлаш тўхтатилгандан кейин беш йилдан кўп бўлмаган вақт ўтган бўлса, ногиронлик янгидан белгиланган кундан бошлаб тикланади. Агар беш йилдан кўп вақт ўтган бўлса пенсия яна умумий асосларда тикланади.

161. Пенсия тўлаш тўхтатилишига (тўхтатиб турилишига) ёки тикланишига олиб келадиган ҳолатлар пайдо бўлганда пенсияни тўлаш, ушбу Низомнинг 158 ва 159-бандларида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, тегишли ҳолат бошланган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади (тўхтатиб турилади) ёки тикланади.

162. Пенсионерга берилиши керак бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия суммаси мерос таркибига киритилмайди ва бокувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиган шахслар доирасига тегишли оила аъзоларига тўланади. Ота-оналар, эри (хотини), шунингдек, пенсионер вафот этган кунда у билан бирга яшаган оила аъзолари, агар улар бокувчисини йўқотганлик бўйича пенсия билан таъминланадиганлар доирасига кирмаган тақдирда ҳам ушбу суммаларни олиш хуқуқига эга.

Пенсионер вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига вафот этган ой учун тўлиқ микдорда тўланади. Бунда пенсионер вафот этган ой учун банк пластик картасига кирим қилинган маблағлар вафот этган пенсионернинг оила аъзоларига қайта тўланмайди ва Пенсия жамғармасига қайтарилмайди.

Оиланинг бир неча аъзолари олинмай қолган пенсия пули учун мурожаат қилган тақдирда, уларга берилиши керак бўлган пенсия пули улар ўртасида teng тақсимланади.

Кўрсатиб ўтилган пенсия пулини олиш учун пенсионер вафот этганидан сўнг олтмиш кундан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тўланади.

163. Доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетишгача тайинланган пенсия (Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган давлатлар бундан мустасно) Пенсия жамғармаси бўлимига кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги пенсия микдори ҳисоб-китобидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси ташқарисига жўнаб кетишдан 6 ой аввал Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

Пенсия тўланадиган олти ойлик давр Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш учун кетишдан аввалги олти ой учун пенсия тўлаш учун аризада кўрсатилган санадан бошлаб ҳисоблаб чиқилади, бунда ариза берилган ойда ҳисобланган (тўланган) пенсия пули ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги давлатга доимий яшаш учун кетилган кунгача тайинланган пенсия турар жойидан рўйхатдан чиқсан ойнинг охиригача тўланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш учун кетаётган фуқароларга пенсияни тўлаш унинг аризаси ва ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан автоматлаштирилган ахборот манзил тизимидан олинган “Доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилганилиги” тўғрисидаги маълумотлар асосида тўхтатилиши мумкин.

164. Олти ой аввал пенсия:

ариза ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан автоматлаштирилган ахборот манзил тизимидан олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаросига;

ариза, хорижий давлатнинг визаси (агар бу зарур бўлса) бўлганда ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан автоматлаштирилган ахборот манзил тизимидан олинган “Доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилганилиги” тўғрисидаги маълумотлар асосида хорижий фуқарога;

ариза, хорижий давлатнинг визаси (агар бу зарур бўлса) бўлганда ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан автоматлаштирилган ахборот манзил тизимидан олинган маълумотлар асосида фуқаролиги бўлмаган шахсга тўланади.

165. Олти ой аввал пенсия тўлаш пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот орқали бир марталик тўлов қайдномаси асосида, шунингдек, тижорат банкининг филиалида пенсионернинг номига очилган банк ҳисоб рақамига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Олти ой аввал пенсия тўлаш пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотга молиялаштирилган пенсия маблағлари ҳисобидан тўланади.

Олти ой аввал тўланган пенсия суммасини Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига мувофиқ пенсия тўланган даврда пенсиялар микдорлари ўзгарганлиги муносабати билан қайта ҳисоб-китоб қилиш амалга оширилмайди.

Агар шахс олти ой аввал пенсия тўлангандан кейин доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетмаган тақдирда, унга пенсия тўланган олти ойлик давр тамом бўлгандан кейин пенсияни навбатдаги тўлаш учун мурожаат қилган тақдирда, ушбу Низомнинг 163 ва 164-бандларида кўрсатилган тартибда олти ой аввал яна пенсия тўланиши мумкин.

166. Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсияси тайинланган шахс доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетган тақдирда (Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномаларга эга бўлган давлатлар бундан мустасно), пенсия чет элда бўлган вақт учун тўланади.

167. Ушбу Низомнинг 166-бандида кўрсатилган шахсга пенсия ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

168. Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсияси куйидаги хужжатлар асосида қайта ҳисоблаб чиқилади:

пенсияни ўтказиш тўғрисидаги ариза;

шахснинг Ўзбекистон Республикаси ташқарисида доимий яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасидан доимий яшаш жойига кетиш (бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб ўтиш) санаси тўғрисидаги маълумотнома.

169. Шахснинг Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги доимий яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси ёхуд хорижий давлатнинг ваколатли органи (mansabдор шахси) томонидан берилади.

Бунда хорижий давлатнинг ваколатли органи (mansabдор шахси) томонидан берилган ҳужжат пенсионернинг доимий яшаш жойидаги давлатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилиниши керак, бундай муассаса бўлмаган тақдирда эса, пенсионернинг доимий яшаш жойи давлатининг Ташқи ишлар вазирлиги, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасаси ёки дипломатик ваколатхонаси томонидан легализация қилиниши, кейинчалик, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланиши керак.

170. Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсиясини Ўзбекистон Республикаси ташқарисига ўтказиш фуқаронинг ҳар бир йилнинг 31 декабрида тирик эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этилиши шарти билан амалга оширилади.

Меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга (18 ёшга тўлмаган болаларга, ака-укаларга, опа-сингилларга ва набираларга) ва суд томонидан белгиланган тартибда ҳуқуқий лаёқатсиз деб эътироф этилган – уларнинг қонуний вакиллари пенсия олувчилар ҳисобланадиган фуқароларга тайинланган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсияларини тўлаш учун фуқаронинг тирик эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат пенсия олувчи учун ва пенсия тайинланган фуқаро учун тақдим этилади.

Бундай хужжат Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси, хорижий давлатнинг нотариуси ёхуд ваколатли органи (мансабдор шахси) томонидан берилади.

Кўрсатиб ўтилган хужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсиясини тўлаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда тўхтатиб турилади (тўхтатилади).

Кўрсатиб ўтилган хужжатлар тақдим этилгандан кейин меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсиясини тўлаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда тикланади (қайта тикланади).

171. Пенсия жамғармаси бўлими меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида ногиронлик пенсиясини шахсга у доимий яшайдиган хорижий давлатнинг банкидаги ёки бошқа молия-кредит муассасасидаги ҳисоб рақамига ўтказишни хорижий валютада амалга оширади, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

Пенсия жамғармаси бўлимиининг хорижий валютадаги харажатлари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ўз валюта маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими хорижий валютани белгиланган тартибда ички валюта бозорида харид қиласди.

172. Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатидаги ногиронлик пенсиясини ўтказиш чет элга жўнаб кетишдан олдин пенсия тўланган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Чет элга ўтказиладиган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатидаги ногиронлик пенсияси суммаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг пенсия ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайта ҳисоблаб чиқилади.

173. Пенсия жамғармаси бўлими Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали чет элга ўтказилиши керак бўлган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида тайинланган пенсиялар суммасининг ўз вақтида жўнатилишини таъминлайди. Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида тайинланган пенсиялар суммаларини конвертация қилиш ва юбориш бўйича харажатлар Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

174. Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатидаги ногиронлик пенсияси тайинланган Ўзбекистон Республикаси ташқарисида доимий яшайдиган шахсга ўтган вақт учун олинмаган пенсия суммасини тўлаш тўлов амалга ошириладиган тегишли давр учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган пенсия миқдорларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

175. Қайдномалар юбориш, шунингдек, юридик шахслардан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналарига қўшимча дам олиш кунлари учун қўшимча тўловларга Пенсия жамғармасидан маблағлар олиш бўйича талабномалар қабул қилиш якунлангандан сўнг пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш (қайта ҳисоблаш) ва тўловларни ташкил қилиш шуъбаси томонидан ушбу Низомга 16 ва 17-иловаларга мувофиқ шакл бўйича жорий тўлов ойига талабномалар тузилади ҳамда Пенсия жамғармаси бўлимининг пенсия ва нафақа тўлови учун қайдномалар ва талабномаларни ўрганиш бўйича ишчи гурухига (кейинги ўринларда–Пенсия жамғармаси бўлими ишчи гурухи) кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Пенсия жамғармаси бўлими ишчи гурухи қуйидаги таркибда тузилади:
бўлим бошлиғи – ишчи гуруҳ раҳбари;

бўлим бошлиғи ўринбосари, пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш (қайта ҳисоблаш) ва тўловларни ташкил қилиш шуъбаси мудири – ишчи гуруҳ аъзолари.

Пенсия жамғармаси бўлими штат жадвалида мазкур лавозимлар бўлмаган ёки вакант лавозим мавжуд бўлган тақдирда, ишчи гуруҳ таркибига ушбу лавозим бўйича тегишли вазифаларни бажариш юклangan ходим киритилади.

Бунда жорий тўлов ойи учун талабномага бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа, дафн маросими учун нафақа, аммо улар бўйича олдинги тўлов ойида ҳақиқатда тўланган маблағлардан кам бўлмаган сумма киритилади.

176. Талабномалар жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирилмай Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи (унинг вазифасини бажарувчи) томонидан ахборот тизимида тасдиқланади.

177. Пенсия ва нафақа тўловига тузилган талабномалар Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси ишчи гурухи томонидан ўрганилади (кейинги ўринларда Пенсия жамғармаси бошқармаси ишчи гурухи деб юритилади). Ишчи гуруҳ қуйидаги таркибда тузилади:

бошқарма бошлиғи – ишчи гуруҳ раҳбари;

бошқарма бошлиғи ўринбосари, Пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни молиялаштириш бўлими бошлиғи, Ички аудит, пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш мониторинги шуъбаси мудири, Марказлашган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бўлими бошлиғи – ишчи гуруҳ аъзолари.

Кўрсатиб ўтилган лавозимлар вакант бўлган тақдирда, ишчи гуруҳ таркиби тегишли вазифаларни бажариш юклangan ходим киритилади.

Жамланма талабномалар тўлов ойининг 15-кунидан кечиктирмасдан Пенсия жамғармаси бошқармаси бошлиғи (унинг вазифасини бажарувчи) томонидан ахборот тизимида тасдиқланади.

178. Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида тасдиқланган талабномалар Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати, худудий бошқармаси томонидан молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

Пенсия жамғармаси худудий бошқармаси тузилган қайдномалардаги суммаларга мос маблағларни пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот ва тижорат банклари филиалларининг тегишли ҳисобварақларига молиялаштиради.

179. Пенсия жамғармаси худудий бошқармалари тўлов ойининг 18-кунига қадар талабномаларни молиялаштириш учун пенсионерлар ва нафақа олувчиларнинг вафоти, кўчиб кетганлиги, вақтинча йўқлиги ва бошқа сабабларга кўра тўланмасдан қайтарилган пенсия ва нафақалар суммалари тўғрисида жамланма тезкор маълумотни ушбу Низомга 18-иловага мувофиқ шаклда тузади ва Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппаратига тақдим этади.

180. Пенсия жамғармаси бўлимида фуқароларнинг пенсия ва нафақага бўлган ҳукуқи йўқолганлиги вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган куйидаги электрон маълумотлар асосида аниқланади:

Адлия вазирлиги (ФХДЁ) томонидан фуқаро вафот этганлиги;

Ички ишлар вазирлиги томонидан фуқаро доимий яшаш учун чет элга кетганлиги ва жазони ўташ жойларида эканлиги;

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун “Мурувват” интернат уйларида васийликка олинганлиги;

пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот томонидан пенсия тўловини амалга ошириш жараёнида аниқланган фуқаро вафот этганлиги, туман (шахар) худудидан ташқарига доимий яшаш учун кўчиб кетганлиги.

Вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган электрон маълумотлар асосида фуқароларнинг пенсия ва нафақага бўлган ҳукуқи йўқолганлиги аниқланганда Пенсия жамғармаси бўлими пенсияни тўлашни тўхтатиб туриш (тўхтатиш) тўғрисида тегишли қарор қабул қиласи.

181. Пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш (қайта ҳисоблаш) ва тўловларни ташкил қилиш шуъбаси ходими (кейинги ўринларда—Пенсия жамғармаси бўлими масъул ходими) Пенсия жамғармаси “Ишонч телефони”га келиб тушган ёки ёзма равишда пенсия ва нафақа етказилиши бўйича мурожаатларга асосан жойига чиқиб, фуқаро билан учрашган ҳолда ўрганиш (кейинги ўринларда—ўрганиш) ўтказадилар. Мазкур мурожаат бўйича ўтказилган ўрганишда ҳукуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда, ушбу фуқаро яшаётган ҳудуд (кўча, уй ёки маҳалла фуқаролар йигини)да тўлиқ ўрганилади.

182. Пенсия жамғармаси бўлимининг масъул ходими мурожаат қилган пенсионер билан сухбат ўтказади, натижаси бўйича ушбу Низомга 19-иловага мувофиқ шаклдаги ўрганиш натижалари бўйича анкетани тўлдиради.

183. Ўрганиш давомида Пенсия жамғармаси бўлими масъул ходими қуидаги ҳолатларни аниқлайди:

ишончнома орқали пенсия тўлови тўғри тўланаётганлиги;

пенсия қайдномада кўрсатилган пенсионерга шахсан тўланаётганлиги.

184. Ўрганиш давомида аниқланган хуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича Пенсия жамғармаси бўлими масъул ходими томонидан шахс ёки тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили иштирокида далолатнома расмийлаштиради.

185. Пенсия жамғармаси бўлими ўрганиш натижасида аниқланган фактлар юзасидан тегишли пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот ва тижорат банклари филиалларига камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, маблағларни тиклашга оид зарур чора-тадбирларни кўриш учун хат (мурожаат) юборади. Пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот ва тижорат банки филиали камчиликларни бартараф этиш ва ўзлаштирилган маблағларнинг ёки ноқонуний тўланган пенсия суммаларининг тикланиши бўйича белгиланган тартибда зарур чора-тадбирлар кўради.

Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси томонидан ҳар чоракда Пенсия жамғармаси бўлимлари ходимларини жалб қилган ҳолда ўтказилаётган ўрганишлар сифати ўрганилади.

186. Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси Ғазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари билан биргаликда мазкур Низомга 20-иловага мувофиқ шаклдаги пенсия ва нафақалар тўлови учун йўналтирилган мақсадли субвенциялар ва ҳаражатлар тўғрисида Жамланма солиштирма далолатномаларини тузади ва жорий ойнинг 7-кунидан кечикитирмай Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратига тақдим этади.

9-боб. Пенсияга оид хужжатлар йиғмажилдини хисобга олиш ва сақлаш тартиби

187. Пенсияга оид хужжатлар йиғмажилди Пенсия жамғармаси бўлими идоравий архивида маҳсус жиҳозланган шкафларда (стеллажларда) сақланади.

188. Пенсия жамғармаси бўлими пенсияга оид хужжатлар йиғмажилдининг сақланишини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриши керак. Пенсияга оид хужжатлар йиғмажилди йўқолган ва сақланмаган тақдирда, пенсияга оид хужжатлар йиғмажилдининг дубликати тикланади.

189. Кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, руҳий ҳолати бузилган шахслар учун интернат уйларида яшовчи шахсларнинг пенсияга оид хужжатлар йиғмажиллари ушбу муассасалар жойлашган жойдаги Пенсия жамғармаси бўлимида сақланади.

190. Ўзбекистон Республикаси доирасида пенсионернинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда, пенсияга оид хужжатлар йиғмажилди Пенсия жамғармаси бўлимининг сўрови асосида почта орқали жўнатилади ёки пенсионернинг (ишончли вакилнинг) қўлига берилади.

191. Пенсия таъминоти соҳасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган давлатларнинг фуқаролари хукуқлари кафолатлари тўғрисида 1992 йил 13 мартағи Битим қатнашчилари бўлган давлатларга ва ижтимоий таъминот (пенсия таъминоти) тўғрисидаги икки томонлама шартномалар қатнашчилари бўлган давлатларга доимий яшаш учун жўнаб кетаётган шахснинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди, агар ахдлашаётган давлатлар томонидан ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса, пенсионерга (ишончли вакилга) берилиши мумкин.

Пенсионернинг давлат олдида у томонидан содир этилган суиистеъмолликлар (атайлаб нотўғри маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши, бокувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаслиги) натижасида пенсиялар суммасининг ортиқча тўланиши бўйича қарздорлиги мавжуд бўлганда пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди етказилган зарар тўлиқ қоплангандан сўнг берилади.

192. Пенсионер ижтимоий таъминот (пенсия таъминоти) тўғрисида халқаро шартномалар тузилмаган давлатга Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш жойига жўнаб кетаётганда пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди берилмайди ва у Пенсия жамғармаси бўлими архивида сақланади.

193. Улар бўйича пенсия тўлаш тўхтатилган пенсияга оид ҳужжатлар (пенсия йиғмажиллари ва бошқалар) Пенсия жамғармаси бўлим мининг идоравий архивида, улар бўйича тўлов амалга оширилаётган пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдидан алоҳида, қонунчиликда белгиланган тартибда белгиланадиган муддатлар мобайнида сақланади.

194. Қонунчиликда белгиланган сақлаш муддатлари тугагандан кейин пенсияга оид ҳужжатлар (пенсия йиғмажиллари ва бошқалар) илмий-техник ишловдан сўнг Пенсия жамғармаси бўлим мининг эксперт комиссияси қарорига биноан йўқ қилиниши мумкин.

Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдидан мөҳнат дафтарчаси ва ўлим тўғрисидаги гувоҳнома мавжуд бўлган тақдирда, ушбу ҳужжатлар пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдидан олиб қўйилиши ва қонунчиликда белгиланган муддат мобайнида сақланиши керак.

Пенсияга оид ҳужжатларни йўқ қилиш ҳолатини тасдиқлаш учун Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланадиган тегишли далолатнома тузилади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

195. Пенсия олиш хукуқини амалга ошириш учун зарур бўлган тақдим этилган ҳужжатларнинг (иш стажи тўғрисида, иш ҳақи тўғрисида ва шу кабиларнинг) ишончлилиги ва асосланганлиги учун ушбу ҳужжатларни берган ташкилотнинг мансабдор шахси ҳамда пенсионер қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

196. Ишончсиз маълумотлар, пенсияга бўлган ҳукуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлардаги маълумотларни бузувчи тузатишлар аниқланганда, шунингдек, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш учун иш берувчи ёки архив томонидан берилган юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар сохталаштирилганда ва қалбакилаштирилганда давлатга етказилган зарар суммасини ундириш учун жавобгарлик қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу ҳужжатларни берган ташкилотлар ва архивнинг мансабдор шахсларига юкланди.

Ушбу Низомда белгиланган қоидаларга асосан ахборот тизимларидан олинган, фуқароларга пенсия ҳисоблаш ва тўлаш учун асос бўлиб ҳисобланган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги учун жавобгарлик ахборот тизимларига маълумотларни киритган юридик ва жисмоний шахсларга юклатилади.

Пенсионер томонидан содир этилган суиистеъмолликлар (атайлаб нотўғри маълумотлар билан ҳужжатлар тақдим этилиши, бокувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидағи ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаслиги) натижасида унга пенсиялар суммасининг ортиқча тўланиши туфайли давлатга етказилган зарарни тўлаш мажбурияти пенсионерга юкланди.

Ортиқча тўланган пенсия суммаси қарздорлик аниқланган санадан бошлаб кўпи билан уч йиллик давр учун ундирилади.

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия миқдоридан қарздорлик аниқланган ҳолларда ахборот тизимидағи мавжуд пенсионернинг мобил телефон рақамига пенсия миқдоридан қарздорлик келиб чиқиш сабаби, пенсия миқдори қайта ҳисобланган муддат, қайта ҳисобланган пенсия миқдори, қарздорликни ундириш тўғрисидағи қабул қилинган қарор ва қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган “СМС” хабарномани юбориши шарт.

197. Пенсиялар тайинлаш ва тўлашни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг Ички аудит бошқармаси ҳамда ҳудудий бошқармаларнинг Ички аудит, пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш мониторинги шуъбаси томонидан амалга оширилади.

Текшириш (ўрганиш) ўтказилаётган санадан аввалги уч йил ва ундан ортиқ даврда тайинланган ва (ёки) қўшимча тақдим этилган ҳужжатларга биноан қайта ҳисобланган пенсияларнинг текширилишига (ўрганилишига) ҳамда улар бўйича тўланган ортиқча суммаларнинг ушлаб қолинишига (ундирилишига) йўл қўйилмайди.

198. Ушбу Низомни бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Уруш қатнашчиларига тенглаштириладиган шахслар РЎЙХАТИ

1941 – 1945 йиллардаги уруш ва бошқа урушлар даврида ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда иштирок этган ҳарбий хизматчилар “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ пенсияларга устама пул олишга ҳақли бўлган уруш қатнашчилари ҳисобланадилар.

Куйидагилар уруш қатнашчиларига тенглаштириладилар:

- а) 1941 йилнинг 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда қиরувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядлар таркибida собиқ СССР ҳудудида жанговар ҳаракатларда иштирок этган шахслар;
- б) 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларида ёки яширин ишларда бўлган шахслар;
- в) 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида ҳаракатдаги армия таркибida ёки ҳаракатлар кетаётган жойларда хизматни ўтаган собиқ СССРнинг Ички ишлар вазирлиги органлари ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси органларининг бошликлар ҳамда оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар;
- г) 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида ҳаракатдаги армия ва флотлар таркибидаги қисмлар ҳамда бўлинмаларда балоғат ёшига етгунга қадар полк ўғиллари ва юнгалар сифатида юрган шахслар;
- д) 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида темир йўлларнинг фронт яқинидаги участкаларида, мудофаа чизиги иншоотларида ишлаган, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ҳамда ҳарбий ҳаракатлар кетаётган жойлардаги бошқа ҳарбий обьектлар қурилиши ишларида қатнашган ходимлар;
- е) ҳаракатдаги армия таркибida ишлаган ёлланма ходимлар таркибидан бўлган шахслар;
- ж) 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида фашист концлагерлари (гетто ва зўрлик билан ушлаб туриладиган бошқа жойлар)да бўлган (тутқунлар, шу жумладан, болалар) шахслар;
- з) Ленинград шаҳри қамали даврида шаҳарнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида меҳнат қилган ва “Ленинград мудофааси учун» медали ҳамда «Қамалдаги Ленинград фуқаросига» нишони билан тақдирланган шахслар;

и) 1956 йилнинг 24 октябридан 1956 йилнинг 10 ноябригача бўлган даврда Венгрия худудидаги жанговар ҳаракатлар даврида ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар;

к) ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда ўз байналмилал бурчларини адо этган, тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ва Давлат хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар ҳамда хизмат сафарига юборилган ишчи ва хизматчилар.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахсларга
тенглаштириладиган шахслар
РЎЙХАТИ**

1941 – 1945 йиллардаги уруш ва бошқа урушлар даврида ҳаракатдаги армия таркибидаги ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаганда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси “а” бандида ва 28-моддасининг “а” ва “б” бандларида назарда тутилган шартлар ва нормаларга кўра пенсия билан таъминланишга ҳақли уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобланадилар.

Куйидаги ногиронлиги бўлган шахслар уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахсларга тенглаштириладилар:

а) собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикаси чегараларини қўриқлаш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар;

б) 1941 йилнинг 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача собиқ СССР ҳудудида ҳаракат қилган ҳамда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядларда хизмат қилган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган шахслар;

в) темир йўлларнинг фронт яқинидаги участкаларида ишлаган, мудофаа иншоотлари, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ва бошқа ҳарбий объектлар қурилиши ишларида қатнашган ҳамда 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида уруш бўлаётган жойларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган ходимлар;

г) 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида партизан отрядлари ва қўшилмалари таркибида ёки яширин ишларда бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган шахслар;

д) ҳаракатдаги армия таркибидаги ишларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган ёлланган таркибдаги шахслар;

е) 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида фашист концлагерларида (гетто ва зўрлик билан тутиб туриладиган бошқа жойларда) бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган шахслар (туткунлар, шу жумладан, болалар);

ж) тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида қатнашиш, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда байналмилал бурчларини адо этиш туфайли яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш туфайли ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар;

з) ҳарбий хизматдаги вазифаларини (хизмат вазифаларини) бажариш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар;

и) ўқув машғулотлари ёки текшириш учун йигинларга чақирилган ва шу йигинларда ўз хизмат бурчларини бажараётиб яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган ҳарбий мажбуриятли шахслар.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббиёт экспертизаси
муассасаларининг пенсия тайинлаш вақтида меҳнат стажи
бир ярим баравар кўпайтириладиган тиббиёт
ходимлари айрим тоифаларининг
РЎЙХАТИ**

Ишлар номи	Лавозимлар номи
I. Республика, вилоят ва шаҳарлар патологоанатомия бюороларининг умумий, болалар ва юқумли касалниклар патологияси бўлимлари, шаҳар, туман, туманлараро ва марказлаштирилган бўлимлар	
Мурдани патологоанатомик ёриш ҳамда операциялар ва биопсиялар пайтида олиб ташланган мурда материалини, органлар ва тўқималарни гистологик тадқиқ қилиш	Патологоанатом врачлар
Мурдани патологоанатомик ёришда иштирок этиш, намуна учун олинган материалларга ва мурдага ишлов бериш	Ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари
II. Суд-тиббиёт экспертизаси бюросининг туман, туманлараро ва шаҳар бўлимлари	
Мурдани ва мурда материалини суд-тиббиёт мақсадларида ёриб кўриш ва тадқиқ қилиш	Суд-тиббиёт экспертизаси врачлари
Мурдани суд-тиббиёт мақсадларида ёришда иштирок этиш ва мурда материалига ишлов бериш	Ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, врач-лаборант

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Учувчилар ва синовчи учувчилар таркибига кирувчи ходимларга
пенсия тайинлаш учун белгиланган иш стажини ҳисоблаш
ТАРТИБИ**

1. Учувчилар таркибига кирувчи ходимларга пенсия тайинлаш учун белгиланган хизмат муддатини ҳисоблашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

1.1. Самолётларда учишларнинг ҳар 20 соати (мазкур банднинг 1.2, 1.3, 1.4-кичик бандларида назарда тутилган ишлар ва учишлардан ташқари) – белгиланган хизмат муддатининг бир ойига ўтади.

1.2. Вертолётларда, маҳсус қўлланиладиган авиациядаги (санитария парвозлари, авиакимё ишлари, аэрофотосъёмкалар, патруллик қилиш, атмосферани текшириш ва ишларнинг бошқа турлари), чет эл ҳаво кемаларини кузатиб борувчи гурух таркибидаги лавозимларда (бошловчи сифатида), командирлик-учувчи ва инструкторлик таркибидаги лавозимларда, шу жумладан, авиациянинг учувчилар тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш олий ва ўрта таълим муассасаларида учишларнинг ҳар 12 соати – белгиланган хизмат муддатининг бир ойига ўтади.

1.3. Авария-қутқарув (қидирав-қутқарув) ҳаво кемалари экипажи таркибида бир йил ишлаш – белгиланган хизмат муддатининг бир ярим йилига ўтади.

1.4. “Ватанпарвар” ўкув ва спорт авиаацияси ташкилотларининг учувчилар таркибидаги лавозимларда бир йил ишлаш, тайёргарликнинг ўкув-учиш режасини бажарган тақдирда – белгиланган хизмат муддатининг бир ярим йилига, мураккаб ва олий пилотаж элементларини бажарган тақдирда эса – 2 йилига ўтади.

1.5. Ёши туфайли имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган парашютчилар (барча номлардаги), қутқарувчилар, ўт ўчирувчи-десантчилар (барча номлардаги), авиа ўт ўчириш хизмати инструкторлари, парашют (парашютчи-қутқарув, қидирав-қутқарув) бўлинмалари раҳбарлари, парашютчи-десант гурухларининг штатдаги ва штатдан ташқари ходимлари сифатида бир йил ишлаш, поршенли самолётлардан, вертолётлардан, дирижабллардан ва аэростатлардан сакрашнинг, баландлиги 10 метрдан кам бўлмаган баландликда вертолётдан осилиб туриб, маҳсус тушиш ва кўтарилиш мосламаларида иш бажаришнинг йиллик нормалари бажарилган тақдирда – белгиланган хизмат муддатининг бир ярим йилига, реактив самолётлар ва вертолётлардан сакрашнинг йиллик нормаси бажарилганда эса – 2 йилига ўтади.

1.6. 1.4 ва 1.5-кичик бандларда назарда тутилганларга мувофиқ белгиланган хизмат муддатларини имтиёзли ҳисобга олиш ҳукуқини берувчи шартлар бажарилмаган тақдирда бир йил хизмат – белгиланган хизмат муддатининг бир йилига ўтади.

2. 1.1 ва 1.2-кичик бандларга мувофиқ белгиланган хизмат муддатларини ҳисоблаш учувчилар таркиби лавозимларидағи барча парвоз этган даврдаги ҳақиқий учган соатларни тегишли равишда 20 ва 12 соатларга бўлиш йўли билан амалга оширилади. Белгиланган хизмат муддатининг йиллик ҳисоби белгиланган хизмат муддатининг тўлиқ ойлар сонини 12 га бўлиш йўли билан аниқланади.

3. Йил давомида 1.1 – 1.5-кичик бандларда кўрсатилган турли ишлар бажарилган тақдирда хизмат муддатлари ҳар бир ишда мутаносиб равишда учиш соатларининг қанча давом этганлиги (банд бўлганлик)га қараб ҳисобланади.

4. Синовчи-учувчилар таркибидаги ходимларга пенсия тайинлаш учун белгиланган хизмат муддатини ҳисоблашда қўйидагилар ҳисобга олинади:

4.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 1-рўйхатнинг III қисми 2-бандининг 1-кичик бандида (кейинги ўринларда – 1-рўйхат) кўрсатилган лавозимларда бир йил ишлаш – синов учишлари мазкур йил давомида ўтказилган бўлса, икки йилга ўтади.

4.2. 1-рўйхатнинг III қисми 2-бандининг 2-кичик бандида кўрсатилган лавозимларда бир йил ишлаб, йилига 120 ва ундан ортиқ соат училган бўлса – икки йилга, 50 соатдан 120 соатгача училган бўлса – бир ярим йилга, 50 соатдан кам бўлганда – бир йилга ўтади. Кўрсатиб ўтилган учишларнинг камида 50 фоизи манёврли авиация кемаларида ва вертолётларда бажарилган бўлса, белгиланган хизмат муддати шу тариқа ҳисобланади.

4.3. 1-рўйхатнинг III қисми 2-бандининг 3-кичик бандида кўрсатилган лавозимларда бир йил ишлаш, учиш соатларининг белгиланган нормалари бажарилган тақдирда, икки йилга ўтади.

5. Агар синовчи-учувчилар таркибига кирувчи ходим бир йил давомида синов учишларида иштирок этмаган бўлса, аммо бошқа турдаги (транспорт авиациясида, учишга тайёргарлик тартибида ва ҳоказо) учишларда иштирок этган бўлса, белгиланган хизмат муддати фуқаро авиацияси учувчилари таркибига кирувчиларга пенсия тайинлаш учун белгиланган тартибида ҳисоблаб чиқилади.

6. Синовчи-учувчилар таркибидаги ходимда йил давомида учиш соатлари умуман бўлмаса, мазкур йил белгиланган хизмат муддатига кирмайди. Бироқ ушбу йил умумий меҳнат стажига қўшилади.

Учишларда иштирок этмаслик синов парвозларини бажаришдаги меҳнат шикастланиши билан боғлиқ бўлса, белгиланган хизмат муддати ҳақиқий учиш даври бўйича ҳисобга олинади.

7. Кўйидагилар учувчилар ва синовчи-учувчиларнинг белгиланган хизмат муддатига киради:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг учувчилар таркиби лавозимларидағи хизмат вақтлари, авиациянинг синовчи-учувчилар ва учувчилар таркибида бўлган лавозимларда ишлаш даври – пенсия тайинлашда тегишли равишда ҳарбий хизматчилар, авиациянинг синовчи-учувчилари таркибига ва учувчилар таркибига киравчилар учун белгиланган хизмат муддатларини ҳисоблаш тартибига мувофиқ амалга оширилади;

1992 йилнинг 1 январидан бошлаб чет элларда хорижий авиация учувчилари таркибидаги лавозимларда ишлаш вақти – бунда хизмат муддати Пенсия жамғармасига 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун ижтимоий солик тўланган тақдирда, учиш ишларининг турига қараб ушбу Тартибнинг 1-бандида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади;

учувчилар таркибидаги ходимлар учун – авиация олий таълим муассасаларида ўқиш вақти (ҳақиқий ўқиш вақти бўйича) – агар ўқишга киришдан олдин учиш лавозимларида ишлаган бўлса.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Тўлиқ бир мавсум ишлаш пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат
стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг
мавсумий тармоқлари
РЎЙХАТИ**

1. Пахта тозалаш саноати корхоналаридаги ишлар:
 - а) пахтани куритиш;
 - б) пахтани тозалаш;
 - в) пахтани юклаш, тушириш;
 - г) пахтани пневмотранспортга ортиш;
 - д) куритиш-тозалаш цехини йиғиштириш ва иситиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқариб ташлаш.
2. Саноатнинг қанд-шакар ва консерва ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналаридаги ишлар.
3. Ипакчилик тармоғи корхоналари ва фермер хўжаликларидаги ишлар:
 - а) тут уруғи тайёрлаш;
 - б) тут ниҳоллари ва тут қўчатлари етиштириш;
 - в) тут ипак қурти уруғларини инкубаторияларда жонлантириш;
 - г) тут ипак қуртини парваришлаш;
 - д) тирик ва қуриқ пиллани саралаш;
 - е) тирик пиллани қуритиш;
 - ж) пиллани қўл кучи ёрдамида ташиш;
 - з) пилладан намуналар олиш (лабораторияда саралаш учун);
 - и) уруғчилик корхоналарида капалакларни жинсларга ажратиш;
 - к) тут ипак қурти уруғларини микротахлилдан ўтказиш;
 - л) тут ипак қурти уруғларига ишлов бериш;
 - м) тут ипак қурти уруғларини қишлиш давридаги ишлар;
 - н) тут ипак қурти уруғларини қадоқлаш ва ёрлиқлаш.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

**Ҳаракатдаги армия таркибида ҳарбий хизмат даври
тўғрисидаги маълумотнома
НАМУНАСИ**

Мудофаа ишлари бўлимининг штампи

№ _____

МАЪЛУМОТНОМА

Истеъфодаги _____
_____ га

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

ҳаракатдаги армия таркибида жанговар ҳаракатлар даврида ҳарбий хизматни ўтади (шу жумладан, байналмилал бурчни адо этиш, партизан отрядлари ва қўшилмаларида бўлиш даври).

Кўрсатиб ўтилган хизмат имтиёзли шартларда пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшилиши керак: хизматнинг бир ойи уч ойга тенгдир.

Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этиш учун берилди.

Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи _____
(имзо) (Ф.И.О.)
М.Ў.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

**Ички ишлар органларида хизмат қилган давр
тўғрисидаги маълумотнома
НАМУНАСИ**

Ички ишлар органининг штампи
№_____

МАЪЛУМОТНОМА

(унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

дан

(кун, ой, йил, лавозимга тайинланганлик тўғрисидаги буйруқ рақами)

гача

(йил, кун, ой, хизматдан бўшаганлик тўғрисидаги буйруқ рақами)

Ички ишлар органларида хизмат қилди.

Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шахар)
бўлимига тақдим этиш учун берилди.

Кадрлар бошқармаси (бўлими)
бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Изоҳ. Маълумотнома меҳнат дафтарчасида (электрон меҳнат
дафтарчасида) зарур ёзувлар бўлмаган тақдирда берилади.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

**Ҳарбий хизматчи хотинининг ишга жойлашиш имконияти бўлмаган
жойларда эри билан яшаган даври тўғрисидаги маълумотнома
НАМУНАСИ**

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш туман (шаҳар) марказининг штампи

№ _____

МАЪЛУМОТНОМА

(ҳарбий хизматчи хотинининг фамилияси, исми ва отасининг исми)

ишига жойлашиш имконияти
бўлмаганлиги туфайли _____ дан _____ гача ишламаган
ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида ишсиз сифатида ҳисобга
турган.

Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига
тақдим этиш учун берилди.

(имзо)

М.Ў.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
9-илова

**Ҳарбий хизматчи хотинининг ишга жойлашиш имконияти бўлмаган
жойларда эри билан яшаган даври тўғрисидаги маълумотнома
НАМУНАСИ**

Ҳарбий қисм (муассаса, корхона, ташкилот)нинг штампи

№ _____

МАЪЛУМОТНОМА

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

дан

гача

(ҳарбий қисм рақами, муассаса, корхона, ташкилотнинг номи)
ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтади (ўтамоқда).

билин хотини _____ бирга яшади.

У ишга жойлашиш имконияти бўлмаганлиги туфайли _____ дан
гача ишламаган.

Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига
тақдим этиш учун берилди.

Ҳарбий қисм командири (бошлиғи) _____
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
10-илова

Имтиёзли пенсия таъминотига бўлган ҳукуқни
аниқлаштирувчи маълумотнома
(НАМУНА)

Корхона, муассаса,

ташкилот штампи

Ташкилот СТИРИ

№

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

МАЪЛУМОТНОМА

йилда туғилган _____ га
(туғилган йили) _____ (фамилияси, исми ва отасининг исми)

шу ҳақда берилди, у _____ дан _____ гача
да _____
(корхона, муассаса, ташкилотнинг номи)
сифатида ишлади
(касб, лавозим)

ва _____ билан банд бўлди.
(бажариладиган ишнинг хусусияти)

Кўрсатиб ўтилган иш даври _____-сон Рўйхатнинг, _____-қисми, _____-
бўлимни, _____-кичик бўлимни, _____-банди, _____-кичик бандига киритилади.

Куйидаги даврлар бундан мустасно:

Иш ҳақи сақланмаган таътил:

_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйруқ
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйруқ
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйруқ

Асосий ишдан бошқа ишлар билан шуғулланиш (ўкув таътиллари,
малака ошириш курслари, бекор туриш ва ҳоказолар):

_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйруқ
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйруқ
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйруқ

Болани парваришлиш таътили:

_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйрук
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйрук
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйрук

Кисқартирилган иш кунида ишлаш:

_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйрук
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйрук
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйрук

_____ касби бўйича лавозимда ишни қўшиб олиб
борган:

_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйрук
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйрук
_____ дан _____ гача _____ даги _____ -сон буйрук

Имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган иш стажи _____ йил
ой _____ кунни ташкил этади.

Маълумотномани беришнинг асоси:

(бажариладиган ишнинг хусусияти ва шартларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар)

Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига
тақдим этиш учун берилди.

Изоҳ. Маълумотнома меҳнат дафтарчасида (электрон меҳнат
дафтарчаси) ходимларнинг айрим тоифалари учун белгиланган 1, 2 ва 3-сон
рўйхатлар бўйича имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини белгилайдиган
омиллар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда берилади.

Муассаса, корхона,
ташкилот раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

Кадрлар бошқармаси
(бўлими) бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

м.ў.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва түлаш тартиби түгристидаги низомга 11-илова

ОЛД ТОМОНИ

Иш ҳақи түғрисидаги маълумотнома НАМУНАСИ

Ташкилотнинг штампи

No

МАЪЛУМОТНОМА

Ушбу маълумотнома

га

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

1. Иш ҳақи суммасидан (ойлик ва чораклик мукофотлар, йил якуни бўйича тақдирлаш пули бундан мустасно) тўланган суғурта бадаллари қўйидагича эканлигини тасдиқлаш учун берилди:

орқа томони

2. Ойлик ва чораклик мукофотлар, йил якуни бўйича тақдирлаш пули суммасидан тўланган суғурта бадаллари кўйидагича:

Тўлов ойи ва йили	Сумма	Ҳисобланган суғурта бадаллари	Тўлов қайси давр учун амалга оширилган	Қандай кўрсаткич лар учун тўланган	Тўлов ойи ва йили	Сумма	Ҳисобланган суғурта бадаллари	Тўлов қайси давр учун амалга оширилган	Қандай кўрсаткич лар учун тўланган
Жами									

Ушбу маълумотнома қўйидаги ҳужжатлар асосида берилди:

(ведомостлар, шахсий ҳисоб рақамлари ва бошқалар)

Тақдим этилаётган маълумотларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммамизга оламиз.

Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этиш учун берилди.

Ташкилот раҳбари

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Бош бухгалтер

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Изоҳ. Агар иш ҳақини ҳисоблаши дафтарларига тузатишлар киритилган ҳоллар мавжуд бўлса, у ҳолда ушибу тузатишлар кўрсатилиши керак.

1991 йил 1 январга қадар ва 2019 йилнинг 1 январидан кейинги даврлар учун ҳисобланган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар тўлдирилмайди.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
12-илова

Иш ҳақи тўғрисидаги архив маълумотномасининг
Намунаси

Архивнинг штампи

№ _____

АРХИВ МАЪЛУМОТНОМАСИ

Ушбу маълумотнома

га

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

архив фондида сақланаётган иш ҳақини ҳисоблаш

(архив фондининг номи)

тўғрисидаги дафтарлар (ҳисоб-китоб рақамлари, шахсий ҳисобвараклари, тўлов ведомостлари (керагининг тагига чизилсин) бўйича иш ҳақи ва бошқа даромадлар, шунингдек, ҳисобланган сугурта бадаллари ҳақидаги маълумотлар тўғрисида берилди.

Ойлар	_____ й.	_____ й.	_____ й.	_____ й.	_____ й.	_____ й.	_____ й.
	Иш ҳақи (шу жумладан, бошқа тўловлар)	Ҳисобланган сугурта бадаллари	Иш ҳақи (шу жумладан, бошқа тўловлар)	Ҳисобланган сугурта бадаллари	Иш ҳақи (шу жумладан, бошқа тўловлар)	Ҳисобланган сугурта бадаллари	Иш ҳақи (шу жумладан, бошқа тўловлар)
Январь							
Февраль							
Март							
Апрель							
Май							
Июнь							
Июль							
Август							
Сентябрь							
Октябрь							
Ноябрь							
Декабрь							
Ҳаммаси							

Ушбу архив маълумотномаси қўйидаги ҳужжатлар асосида берилди:

(архив фонди, рўйхатлар, йигмажиллар, варакларнинг тартиб рақамлари)

Тақдим этилаётган маълумотларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун тўлик жавобгарликни ўз зиммамизга оламиз.

Архив маълумотномаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этиш учун берилди.

Архив раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

Архивариус

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Изоҳ. Агар иши ҳақини ҳисоблаши дафтарларига тузатишлар киритилган ҳоллар мавжуд бўлса, у ҳолда ушибу тузатишлар кўрсатилиши керак.

Агар ходимга иши ҳақидан ташқари мукофотлар, тақдирлаши пуллари ва бошқа тупли разбатлантиришилар ҳисоблаб ёзилган бўлса, у ҳолда уларнинг ҳисоблаб ёзилганлиги тўғрисидаги маълумотлар «Иш ҳақи» устунида тегишили ой учун иши ҳақидан алоҳида кўрсатилади.

1991 йил 1 январга қадар ва 2019 йилнинг 1 январидан кейинги даврлар учун ҳисобланган сугурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар тўлдирилмайди.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
13-илова

**Меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни тўлиқ давлат таъминотидаги
шахслар тоифасига киритиш
ШАРТЛАРИ**

Куйидаги шартлар мавжуд бўлганда шахс тўлиқ давлат таъминотидаги шахс ҳисобланади:

бепул уй-жой билан таъминланганда;

бепул овқат билан таъминланганда;

бепул маҳсус уст-бош ва кийим-кечак билан таъминланганда.

Кўрсатиб ўтилган шартлардан ҳатто биттаси мавжуд бўлмаса шахс тўлиқ давлат таъминотидаги шахс ҳисобланмайди.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
14-илова

(раҳбар кўрсатмаси)

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан
ташқари Пенсия жамғармаси

(шаҳар, вилоят, республика)

тумани
(шаҳар) бўлими бошлиғига)

Фуқаро _____ дан
(Ф.И.О.)

Яшаш жойи _____

Телефон рақами _____

АРИЗА

Менга тайинланган пенсия, нафақа, ойлик компенсация ва бошқа тўловларни (кераклисининг тагига чизилсин) 20 _____ йил ойидан қонунчилик ҳужжатларига амал қилган ҳолда ойлик сумманинг 100% пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот орқали нақд пул шаклида ўтказиб беришингизни сўрайман. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тумани (шаҳар) бўлимини оила аъзолари таркиби, яшаш жойи ўзгарганлиги каби ўзгаришлар содир бўлганда ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини оламан.

20 _____ й. “_____”

Ариза берувчининг имзоси _____

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
15-илова

Ташкилот штампи

Пенсия жамғармасининг _____ тумани (шаҳар) бўлимига

дан

(ташкилотнинг тўлиқ номи)

СТИР _____

Банк МФОси _____

Хисоб рақами _____

Газна ҳисобварафи _____

20 ___ йил _____ ойи учун манзил-колонияда жазо муддатини ўтаётган
пенсионерларнинг пенсия тўловига маблағ ажратиш учун
ТАЛАБНОМА

T/P	Пенсионернинг Ф.И.О.	Пенсионернинг ЖШШИР (ПИНФЛ) рақами	Пенсия иши рақами	Паспорт серияси	Паспорт рақами

Муассаса
раҳбари

(имзо)

М.Ў.

Бош бухгалтер

(имзо)

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тұлаш тартиби түғрисидаги низомга 16-илова

йилнинг _____ ойи учун фуқароларга пенсия, компенсация ва ижтимоий нафақаларни молиялаштиришга
ТАЛАБНОМА

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
17-илова

ЙИЛНИНГ ОЙИДА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРГА
ҚЎШИМЧА ТЎЛОВНИ ҚОПЛАШ УЧУН
ТАЛАБНОМА

Корхоналар сони	Жами талаб қилинган маблағ	18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналарига қўшимча дам олиш қунлари ҳақининг тўланиши	
		сони	сумма

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
18-илова

20_____ йил _____ ойи учун талабномаларни молиялаштириш учун
пенсионерлар ва нафақа олувчиларнинг вафоти, кўчиб кетганлиги, вақтинча
йўклиги ва бошқа сабабларга кўра тўланмасдан
қайтарилган пенсия ва нафақа суммалари тўғрисида
ТЕЗКОР МАЪЛУМОТ

T/p	Тўлов тури	Жорий тўлов оий учун талабнома суммаси	Тўланмасдан қайтарилган пенсия ва нафақалар маблағлари суммалари	Жорий тўлов оий учун маблағларга ҳақиқий эҳтиёж
1.				
2.				
...				

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
19-илова

Ўрганиш натижалари бўйича
АНКЕТА

Туман (шахар) _____

Мониторинг ўтказилган сана _____

T/p	Пенсионер ёки нафақа олувчи Ф.И.О.	Пенсия йиғмажилди рақами	Яшаш жойи	Пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот ёки тижорат банки филиалига пенсия ва нафақа тўлови бўйича эътиrozлар	Пенсионер ёки нафақа олувчининг имзоси
1					
2					
3					
...					

Мониторинг учун масъул _____
(Ф.И.О.) _____
(имзо)

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
20-илова

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий
бошқармаларига йўналтирилган мақсадли субвенциялар ва харажатлар тўғрисида
ЖАМЛАНМА СОЛИШТИРМА ДАЛОЛАТНОМА

T/p	01.01.__ йил холатига қолдиқ	Хисоб вараги	Хисобвараги номи	Даромад коди	ЖАМИ тушум суммаси (қайтарилиган тушумлар айрилмаган холда)	Қайтарилиган тушумлар	Харажат моддаси	Жами харажат суммаси (тикланган маблағлар айрилмаган холда)	Тикланган харажатлар (қайтарилиган харажатлар)	01.___.__ йил холатига қолдиқ
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
вилоят бошқармаси										
I.		ЖАМИ								
1										
2										
II										

Ғазначилик бошқармаси бошлиғи

Тайёрланган сана _____

Пенсия жамғармаси бошқармаси бошлиғи

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “13” октябрдаги 592-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) 1-банди иккинчи хатбошиси ва унга 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 5 январдаги ЎРҚ-318-сон Қонуни) 2012 йил 28 июнданги 184-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 26-27-сон, 294-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ-1836-сон қарори) 2013 йил 23 августдаги 233-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 34-сон, 458-модда) илованинг 28-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2014 йил 13 майдаги 121-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 227-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Солик ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сон Қонуни) 2014 йил 31 декабрдаги 372-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 1-сон, 4-модда) илованинг 4-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-куватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон Фармони) 2015 йил 10 июндаги 153-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 23-сон, 303-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702-сон Фармони) 2015 йил 27 июндаги 171-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 26-сон, 338-модда) илованинг 40-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айrim тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 77-модда) 1-банди ва унга 1-илова.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2016 йил 7 июндаги 189-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 77-модда) илованинг 3-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон Қонуни) 2016 йил 8 июлдаги 230-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 336-модда) илованинг 2-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-куватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон қарори) 2017 йил 13 марта 130-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 249-модда) 1-илованинг 38 ва 58-бандлари.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 мартағи ПҚ-2856-сон қарори) 2017 йил 25 майдаги 314-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 399-модда) илованинг 6-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 27 июндаги 429-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 26-сон, 591-модда) илованинг 2 ва 3-бандлари.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон қарори) 2017 йил 8 сентябрдаги 703-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 990-модда) илованинг 30-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон қарори) 2017 йил 8 ноябрдаги 898-сон қарорига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.11.2017 й., 09/17/898/0234-сон) илованинг 10-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон қарори) 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон қарорига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон) илованинг 32-банди.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ишакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 январдаги ПҚ-3472-сон қарори) 2018 йил 15 февралдаги 113-сон қарорига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2018 й., 09/18/113/0712-сон) илованинг 1-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 мартағи ПФ-5379-сон Фармони) 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.06.2018 й., 09/18/396/1287-сон) илованинг 54-банди.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 25 сентябрдаги 766-сон қарорига илованинг 5 ва 7-бандлари.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.09.2018 й., 09/18/766/1964-сон) илованинг 7-банди.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ташкил этилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 15 декабрдаги 1021-сон қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2018 й., 09/18/1021/2335-сон) илованинг 6-банди.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги 889-сон қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.10.2019 й., 09/19/889/3945-сон) илованинг 3 ва 7-бандлари.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони) 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон) илованинг 108 ва 149-бандлари.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2020 йил 12 мартағи 145-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.03.2020 й., 09/20/145/0295-сон).

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон технологиялардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2020 йил

10 июндаги 370-сон қарорига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2020 й., 09/20/370/0746-сон) илованинг 5-банди.

26. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармони) 2020 йил 20 июндаги 396-сон қарорига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.06.2020 й., 09/20/396/0793-сон) илованинг 2-банди.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматиниг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон қарори) 2020 йил 7 июлдаги 429-сон қарорига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.07.2020 й., 09/20/429/1039-сон) 1-илованинг 11 ва 24-бандлари.

28. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2020 й., 09/20/593/1340-сон) 4-илованинг 12-банди.

29. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарорига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.12.2020 й., 09/20/806/1662-сон) 2-илованинг 2-банди.

30. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” 2021 йил 1 апрелдаги ЎРҚ-680-сон ва “Томорқа хўжалиги тўғрисида” 2021 йил 1 апрелдаги ЎРҚ-681-сон қонунлари) 2021 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони) 2021 йил 22 февралдаги 87-сон қарорига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2021 й., 09/21/87/0134-сон) илованинг 1651-бади.

31. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” 2021 йил 1 апрелдаги ЎРҚ-680-сон ва “Томорқа хўжалиги тўғрисида” 2021 йил 1 апрелдаги ЎРҚ-681-сон қонунлари) 2021 йил 23 июндаги 391-сон қарорига (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2021 й., 09/21/391/0590-сон) илованинг 2 ва 6-бандлари.

32. Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳукуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.02.2022 й., 09/22/62/0111-сон) 12-илованинг 39-банди.

33. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон) илованинг 269-банди “а” кичик банди.

34. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 5 августдаги 431-сон қарорига (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.08.2022 й., 09/22/431/0716-сон) 3-илованинг 13-банди.

